Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

9 сон 3 — 9 март, 2005 йил

Байрамингиз муборак, азиз опа-сингиллар!

МАРТ—ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда "муқаддас" деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир. Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки, аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ.

АЁЛ — МИЛЛАТ КЎРКИ

Чор-атроф офтоб шуъласидан олтинланди. Куртакларда ҳаёт иштиёқи. Майсаю чечаклар тупроқни ёриб чиқмоққа шай. Бу ажиб тараддудни кўриб ҳайратланасан, киши. Худдики табиат Аёлнинг шижоатидан кўчирма олаётгандай!

Ҳақиқатан шундай.

Бу куннинг аёли илми, иқтидори, таланти ва ўзгача шиддати билан дунёни яна бир карра қойил қолдирмоқда. Эндиликда аёлнинг шижоати янада баландлаган, кучи ва ғайрати янада жўш ураётгандек. Негаки, истиқлол аёлнинг оналигини қадрлади, унга чексиз рағбат, катта ишонч, улкан имконият берди. Дунё мамлакатлари минбарларидан туриб озод Ўзбекистон номидан сўз айтаётган бугунги аёлларимиз аслида Бибихоним, Нодирабегим, Қурбонжон Додхоҳ, Тўмарис, Зебунисо сингари билимдон момоларининг издошларидир!

Айни вақтда турли соҳа етакчилари орасида аёлларимиз кўп. Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 18 фоизи ҳам аёллардан иборат. Зулфия номидаги Давлат мукофотини олаётган қизларимизнинг ҳар бири ўз илмини, талантини мустақил давлат келажаги йўлида сарфламоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва унинг ижросини таъминлаш бўйича республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори юртимиз аёлларининг ҳаракатини тезлаштирди, уларнинг қадамлари янада дадил бўла борди.

Бу кун қишлоқ ва маҳалларимиз ҳаёти мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Ҳар бир оиладаги муҳит, ҳар ўғил-қизнинг ҳатти-ҳаракати, тақдири ва келажаги маҳалла фаолларининг назоратида. Диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар маҳаллалардаги ҳар бир оила ҳаётига чуқурроқ кириб боришаяпти, хонадонлардаги руҳий-психологик иқлимни ўрганишаяпти, оналар билан алоҳида сўзлашиб фарзандларнинг эртанги кунига оид масалаларни ҳал этишаяпти.

Бизда давлат тизимининг асосий бўғини мамлакатда аёллар аҳволини янада яхшилашга йўналтирилган. Негаки, аёл-она, у халқни дунёга келтиради, унинг қаддини тиклайди, қадрини кўтаради, улуғ миллат сифатида оёққа турғазади. Демакки, миллатимизнинг шону шавкати, бахт ва саодати биринчи галда оналарнинг маънавияти, маданияти ҳамда саломатлиги билан боғлиқ.

Чўлпон Аёл тавсифини янада тўкис қилиб ифодалайди:

Бир кўрдим мен уни, шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Ўзбек аёлининг юрагида оламни яшнатгувчи ранглар, оҳанглар бор. Бутун борлиқ ана шу ранглардан зеболанади. Жумлаи-жаҳон аёлнинг меҳридан қувват олади, шиддати, шижоатидан илҳомланади.

Илму салоҳияти, ўткир Сўзи, қайноқ меҳри ва муҳаббати билан дунёга ҳаёт бахш этаётган эй муҳтарам Аёл, бугунги кунга ташрифинг қутлуғ бўлсин!

Дилбар САИДОВА

Аёл-оналаримизнинг жамиятимизда ўзига хос сиёсий ўринлари борлиги фахрлидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 21 нафар, Сенат аъзолигига эса 15 нафар аёл сайланди.

Зукко замондошларимизни чин кўнгилдан муборакбод этарканмиз, ватанимизнинг равнақи ва ривожланиш йўлини белгилайдиган, халқимиз ҳаётини янада фаровон этиб, янада гўзаллаштирадиган қонунлар яратиш йўлидаги интилиши-изланишларига муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Бизнинг мақсадимиз ҳам, маслагимиз ҳам, бошлаган ишимиз ҳам бир хил. Фақат бу манзилга етиб олиш учун биргаликда ҳаракат қилишимиз керак, - дейди ўзбекнинг фидоий аёллари.



Суратда: (Чапдан ўнгга) **Барнохон АБДУЛЛАЕВА** - *Бешариқ Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори, Ўзбекистон Олий Мажлиси сенати аъзоси;* **Дилбархон ШАРИПОВА** - *Бухоро вилояти, Когон шаҳар шифохона бош шифокори, Ўзбекистон Олий Мажлиси сенати аъзоси;* **Ҳамротош ШОДИЕВА** - *Каттақўрғон шаҳри, Педагогика коллежи директори, Ўзбекистон Олий Мажлиси сенати аъзоси.*

Сиз суратда кўриб турган аёллар ўзининг бутун куч-қуввати, билими, иқтидорини ватан тараққиёти учун фидо қилаётган замондошларимиздир.

Суратда: (Чапдан биринчи) Муяссар Темурова - Бухоро шаҳри. Зардўз, нафақахўр. Ўзбекистон қаҳрамони; Мартия Раҳматова - Бухоро тўқимачилик ҳиссадорлик жамиятида ишчи, Ўзбекистон қаҳрамони; (Юқорида) Анесия Саитова - Қорақалпоғистон республикаси. Акушер-гинекология институтининг Нукус филиали бўлим бошлиғи. Ўзбекистон қаҳрамони.

Андижонлик Дилфуза МАТБОБОЕВА — болалигидан табиатга меҳр қўйиб, уни ранглар орқали ифодалай бошлади. У расм чизиш бўйича туман, вилоят танловларида ғолиб бўлиб, Японияда болалар ўртасида ўтказилган халқаро танловда ҳам совриндор бўлиб қайтди. Дилфуза Андижонда болалар ўртасида "Ўзбекистон кубоги" бўйича ўтказилган "карате, дзю-до" мусобақаларида ҳам қатнашиб, 2-ўринни қўлга киритди. Хассос шоира, "Зулфияхоним" портрети Дилфузанинг энг севган асаридир. Дарҳақиқат, Дилфуза бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловида номзод сифатида қатнашмоқда.

Вера ПАК - *Хива шаҳридаги 20-сон болалар уйи раҳбари. Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон Олий Мажлиси сенати аъзоси.*

Фарида АБДУРАҲИМОВА - *Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси сенати аъзоси.*

Суратлар муаллифи О. НУРМАМАТОВ.

> *"...Аёлларни, оналарни асраш керак, дегани бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир оқибатда миллатни асраш демакдир".*
> Ислом КАРИМОВ

БАЙРАМДА ҚАНДАЙ СОВҒА КУТАЯПСИЗ?

Гулираъно АБДУРАЗЗОҚОВА-
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Болалар Ижодиёти Маркази директори:

8 - Мартни мен "Орзу-умидлар куни" десаммикан?... Чунки, бу кунда аёл ниманидир орзулайди, умид қилади. Мен байрам тонгида ўрнимдан тураман ва ўйлайман. "Ҳозир эшик очилса-ю бир қучоқ чиннигуллар кўтариб бирорта яқин кишим кириб келса!" Кўп ўтмай фарзандларим, опа-сингилларим мени гуллар билан қутлашади. Бу кун хотирамда узоқ сақланиб қолади.

Дилором Омонуллаева - бастакор:

- Биласизми, мен ҳар доим ўзим истаган, ёқтирган нарсамни ўзим учун ўзим олганман. Хотин-қизлар байрамида эса...

Менга шундай бир ғаройиб китоб тақдим этишсаки... Бу китобни ўқиган инсонлар ҳеч қачон тўғри йўлдан адашишмаса, ҳеч қачон хато қилишмаса.

Гулираъно ҲАКИМОВА- таниқли актриса:

- Ўзгалар сенга алоҳида эътибор билан қарашса... Мен учун жуда чиройли совға шу! Бир воқеани айтай. "Ҳамза"да ишлаб юрардим. Театр эшиги ёнида нотаниш аёл мени кутиб турарди. "Сизнинг ролларингизни яхши кўраман. "Бозор кўрмаган йигит"даям зўр ўйнадингиз, қойил қолдим!" деди. Кейин маълум бўлишича, у мени кўриш учун атай кеча йўлга чиққан, ҳозиргина поезддан тушган экан. Шу куни ишда гўё қанот чиқариб учиб юргандек бўлдим. Биргина эътибornинг кучини қаранг! Ҳали ҳануз аёллар байрамида ўзгалар эътиборидан баҳраманд бўлгим келаверади...

Зулхумор АЗИЗОВА-
Тошкент Давлат Миллий Университети психолог ўқитувчиси:

- Санъат асарлари мени болалигимданоқ ҳаяжонга солади. Яқинда кўргазмада табиат манзараси акс эттирилган суратдан кўз узолмай қолдим. Қанчаям вақт ўтиб, бир аёл ёнимга келди. "Салкам ярим соат бўлди, шу суратга тикилиб турибсиз, мен ҳайрон бўлаяпман",-деди. "Сиз ҳам бир қаранг-а, бу манзарадаги қуюқ ранглардан кишининг руҳияти дам олади",-дедим. Хуллас, шу сурат ҳеч хаёлимдан кетмай қолди. "Қанийди, энг нозик дид билан яратилган бирорта санъат асарини менга туҳфа қилишса!" - деб орзуландим...

Баҳора ҲАМДАМОВА-
Навоий вилояти "Соғлом авлод" жамғармаси раиси.

- Ҳурриятга эришган, ўзлигини таниган халқ аввало келажагининг пойдеворини тиклайдиган соғлом авлод тарбияси ҳақида ўйлаши зарур. Мен учун ҳар доим энг ажойиб совға, юртимизнинг, қолаверса оиламизнинг тинчлигидир.



Назира ЖЎРАЕВА-
Ғафур Ғулом номли нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири:

- Гладиолус совға қилишларини ёқтираман. Менимча, у гулларнинг шоҳи! "Нега гулчилар гладиолусни қишдаям ўстиришмайди-я?" - деб ўйлайман гоҳида. Ўзим турли хонаки гулларни севиб парваришлайман. Уйимда ҳам, ишхонамда ҳам... Назаримда гул аёлнинг кўнгил кечинмаларини ўзида ифодалаб тургандек туюлади.

Озода МУЗАФФАРОВА-
"Матбуот тарқатувчи" ҳиссадорлик компанияси етакчи мутахассиси.

- Чиройли сўз ва атиргул.

Ибодат МУСАЕВА-
Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги 69-мактабнинг бошланғич синф муаллимаси:

- Бир оғиз яхши сўз энг зўр совғанинг ўрнини босади. Байрамларда савлатли кишилар, раҳбар аёллар излаб келишади, гоҳо. "Ассалому алайкум, устоз!" - дея саломлашишади. Менинг собиқ ўқувчиларим! Уларнинг нигоҳларидаги миннатдорчилик туйғуси, "Ўгитларингиз ҳалиҳали ёдимизда", деб жилмайишлари менинг юрагимни шодликка тўлдиради. Ҳар гал 8-Мартда худди шундай шодлик туйғусини ҳис этсам, дейман.

Юлдуз Ҳамроева-
Каттақўрғон туманидаги Орзу Махмудов номли 17 - мактаб директори.

- Умуман мен табиат инъом этган, инсон қўли ва қалбидан бунёд топган барча гўзалликларни жуда қадрлайман. Шу сабаб, яқинларим - турмуш ўртоғим, ака-укаларим 8- Март муносабати билан неки совға қилишса, барчасини жон-дилимдан қабул қиламан.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА ёзиб олди.

БИЗНИ ҚУТЛАЙДИЛАР

БАҲОР МУБОРАК!



- Шеърият - кўнгил гўзаллиги. Гўзаллик эса фақат аёлларимиз, қизларимизнинг гулбарг-дек нозик дили, оналаримизнинг меҳрга лиммо-лим қалбини англатади. Шунинг учун ҳам энг унутилмас туҳфа шеър деб биламан...

Бойчечак уйғонар қиш кўрпасида,
Камалак тўлганар тонг шарпасида,
Бир илинж-чўғ ёнар дил пардасида,
Кўклам қизларига дийдор муборак,
Гиёҳ-майсаларга баҳор муборак!

Ўрик гулларида келинчак либос,
Қизғалдоқ қимтинар-лаблари гилос,
Бўтакўз бўй чўзар - кўзлари чарос,
Соғинч қарашларга гулзор муборак,
Ул чилвир сочларга баҳор муборак!

Қақирлаб югурар қизлар басма-бас,
Бахшилар ўланни жирлар басма-бас,
Шукрона айтади ҳар жон ҳар нафас,
Шу азал тупроққа ул ёр муборак,
Ул чашми ғароққа баҳор муборак!

Шаррос ёмғир ёғар-эҳсони фалак,
Ташвишинг муборак эй жони ҳалак,
Энди дошқозонда қайнар сумалак,
Гўдакка жилмайган рафтор муборак,
Юракка роз айтган баҳор муборак!

Қалдирғочлар қурмаш эй, дўст уйларидан,
Йигитлар сарҳушдир қизлар бўйидан,
Сизга бу хуш нома Ватан тўйидан,
Наврўзни қўлсаган иқрор муборак,
Юртим, боғларингга баҳор муборак!

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ

Шавкатбек ОМОНОВ
тиббиёт фанлари доктори:

- Болалигимда 8-март куни қоғоздан чиройли открытка ясаб аяжонимга аталган юрак сўзларим билан бирга тўрт қатор шеър ёзиб тақдим этардим. Илк маошимдан аяжонимга қимматбаҳо совға сотиб олдим. Аяжоним эса рўмолга ўралган ниманидир авайлаб олдилар. Онгларида ҳайратдан тилимга сўз келмади - булар мен болалигимда аямга бағишлаган туҳфаларим открытка табрикларим эди...

8 мартда турмуш ўртоғим ва қизларимга гул совға қиламан. Энг асосий ҳадя - менинг меҳрли муҳаббатим мактуб шаклида Бухорои шарифга - Аяжоним томон учади.

"АТИРГУЛ" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Санобар ФАХРИДДИНОВА

Вера РУДАКОВА

Гулжаҳон ЗОИТОВА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси "Журналист аёллар клуби"нинг "Атиргул" танлови ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги ўзгаришларни, янгиланишлар жараёни, ютуқ ва камчиликларини оммавий ахборот воситалари, радио-телевидениеда йил давомида фаол, таъсирчан ёрита борган истеъдодли, ғайратли ва ҳозиржавоб журналистлар мукофотланди.

Қорақалпоғистон республикаси "Шифокор" газетаси муҳаррири Гулжаҳон Зоитова; "Наманган ҳақиқати" газетаси адабий ходими Рисликҳон Мажнунова; "Санам" журнали бўлим муҳаррири Арофат Ортиқова; "Правда Востока" газетаси мухбири Вера Рудакова; "Оила ва жамият" газетаси бўлим муҳаррири Санобар Фахриддинова; "Адолат нури" (Бухоро) газетаси муҳаррири ўринбосари Моҳира Шакаровалар "Атиргул - 2004" республика танлови ғолиблари бўлдилар.

Умида Аҳмедова, Каромат Бегашева, Махфуза Йўлдошева, Фарида Маҳкамова, Наргис Сулаймонова, Қурбоной Султонова, Муҳаббат Хўжамуродова, Меҳринисо Қурбонова каби журналистлар танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига лойиқ топилдилар.

"Журналист аёллар клуби" раиси Мухтабар Каримова йиғилганларни байрам билан табриклади. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Раъно Зарипова ва бошқалар сўзга чиқиб, ғолибларни табриклашди.

Кеча сўнггида йиғилганлар байрам дастурхони атрофида дилдан суҳбатлашдилар.

Ўз мухбиримиз.
Суратлар муаллифи: О. НУРМАМАТОВ

Умида АХМЕДОВА

Улжамол ХОННАЕВА

Муҳаббат ХЎЖАМУРОДОВА

Меҳринисо ҚУРБОНОВА

Наргис СУЛАЙМОНОВА

Марҳабо КАРИМОВА

БИРОВНИНГ БОЛАСИ УЙИМДА

Тўй қилиб келинчак туширдим.
Ўзимга ўзим иш оширдим.
Мен энди... мен энди тушундим.
Бировнинг боласи уйимда

Бақирманг, дадаси, секин-ей,
Овозингиз бирам текин-ей.
Уйимнинг қайтига бекинай?
Бировнинг боласи уйимда.

Ҳаммага қиламан илтифот,
Тилимга бўламан эҳтиёт,
Кўчага чиқмасин "ахборот",
Бировнинг боласи уйимда.

Келинлик бир келар, яйрасин,
Оллоҳим илтифот айласин,
Қозоним гўшт билан қайнасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Сипороқ кийингин вой, қизим,
Ибрат бўл келинга, ҳой қизим,
Онангни тушунгин, ой қизим,
Бировнинг боласи уйимда.

Ёрдам қил, сиқиб бер ўсмасин,
Бахтингни йўлини тўсмасин,
Совчига ёмонлаб қўймасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Чимирилмасин деб қошлари,
Авайлаб шу келин пошшани,
"Сиз-сиз" лаб ҳайдайман пашшани,
Бировнинг боласи уйимда.

Койишар, эркалаб куласан,
Келинга "майли", деб турасан,
Бошингга тушганда биласан,
Бировнинг боласи уйимда.

Нонини куйдирса майлига,
Идишни синдирса майлига,
«Адвокат»ман ўша лайлига,
Бировнинг боласи уйимда.

Болам дер гапирсам «уф» бўпти,
Билмадим балки куф-суф бўпти.
Ўғлим ҳам қўшилиб жуфт бўпти,
Бировнинг боласи уйимда.

Майли, мен қайнона, қайнамай,
Келин ҳам тек юрсин айнамай,
Буюм бир кўргулик, айланай,
Бировнинг боласи уйимда.

Қаҳр-ла кўнгиллар лойланар,
Меҳр-ла юраклар бойланар,
Бир кун ўз боламга айланар,
Бировнинг боласи уйимда.

Марҳабо дер, ичим кон, дўстлар,
Учрашиб турайлик, жон дўстлар,
Ҳасратдан юрагим қон, дўстлар,
Бировнинг боласи уйимда.

АЙЛАНСИН

Манам қайнонаман жоним келинпошшодан айлансин,
Ўғил фарзандларим кўнглин олган барнодан айлансин.

Турай деса саҳар этагидан тутиб болам қўймас,
Боламнинг айтганин жон деб қилган зебодан айлансин.

Кузатсам бир-бирини кўзлари бирлан тавоф айлар,
Азиз жоним бу янглиғ Тоҳиру Зуҳродан айлансин.

Кўзида ним табассум тик туриб чойлар узатгай ул,
Унга одобни ўргатган қудам муллодан айлансин.

Ўғилларни бериб, кир-чирларидан ҳам қутулдим, оҳ,
Пишир-куйдир гамин мандан олган раънодан айлансин.

Чақирсам "лаббай"ю, буйруқ қисам "ҳўп" деб қилар таъзим,
Ва танбеҳ айласам, "қуллуқ" деган зебодан айлансин.

Қилиб томошалар чеҳрасию қаддин кўзим тўймас,
Севиб еб қўймаган ёнидаги ошнодан айлансин.

Бу эркак зотининг инжиқлиги юзта эшакка юк,
Бу юкни даст кўтарган оқилу зукkодан айлансин.

Бироз нозу, бироз ҳийла билан кўнглин олиб жуфтин,
Дебон "ғах" қўлига қўндирган ул тарсодан айлансин.

Неча хизмат қилиб баъзан қайн онасига ёқмай,
Тўкар кўздан ёшин, бу галвали дунёдан айлансин.

Минг афсус, бўлмагур эрга тушар баъзан тузик қизлар,
Дебон тақдир қўшилган мисга ул тиллодан айлансин.

Ёшим ўтди рўмолчамни ўзим қўйиб, ўзим топмам,
Топиб қўлимга тутган, феъли кенг дарёдан айлансин.

Боланг нон топган бирлан келин берса кейин ейсан,
Бошимдаги раҳмдил ул аёл пошшодан айлансин.

Ота-она дарахтдур мевали, тошлар тегар баъзан,
Азиз фарзандлар ортида келган гавғодан айлансин.

Бугун фарзандларинг жуфт-жуфт бўлишди, Марҳабохон боқ,
Бу тақдирни ёзиб қўйган, Эгам Оллоҳдан айлансин.

ЎҒИЛ БОЛАНГ БИРОВНИНГ ХАСМИ

Ўғилми қиз бари ўз боланг,
Қизлар меҳмон дейишар расми.
Ўзингники асли қиз боланг,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Ўстирасан бўлиб парвона,
Эга чиқар битта жанона.
Бу савдога бўлма ҳайрона,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Унутса ҳам ўз онасини,
Тугилган ҳовли-хонасини,
Унутмайди қайнонасини,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Қизинг жонин илиниб турар,
Юраклари тилиниб турар,
Меҳри кўздан билиниб турар,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Согинганда йиғламай кутгин,
Ичикмасдан ўзингни тутгин,
Кўз ёшингни "қилт" этиб ютгин,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Уй-рўзғори бўйнида хуржун,
Боламга дер, Худо берган кун,
Дуо қилу, чиқармагин ун,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Юрагини устуни ёри,
Совуққотса пўстини ёри,
Боласига топгани бори,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Уришсалар қози бўласан,
Ўртада тарозу бўласан,
Ўлимингга рози бўласан,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Иши тушса ёнингга чопар,
Ҳиндистонда бўлсангам топар,
Бошқа пайт кутма эй, модар,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Хафа бўлсанг койиб тонасан,
Кечирасан, чунки онасан,
Тушун, мунча куйиб ёнасан,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Жанжал қилма, онамисан, бас!
Келин сенинг кундошинг эмас,
Ўғлинг энди сирдошинг эмас,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Совчиликка боришдан олдин,
Сандиққа сеп солишдан олдин,
Бир мантиққа кўникиб олгин,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Келсаю келмаса дуо қил,
Билсаю билмаса дуо қил,
Берсаю бермаса дуо қил,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Меҳнатларинг Худо йўлига,
Захматларинг Худо йўлига,
Қаратиб қўймасин қўлига,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Келинга гапирсанг мулойим,
Ўғлинг сандан рози ҳар доим,
Бу ҳаётдир, Марҳабо ойим,
Ўғил боланг бировнинг хасми.

Сиз учун туҳфа

КАТТАЛАРГА НАСИҲАТ

Ярақлаган уйларинг чанг бўлсаям сиқилма,
Рўзғорингда бир нима кам бўлсаям сиқилма.
Йўқчиликдан кунда бир жанг бўлса ҳам сиқилма,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Чайнаётган нонингни боламга деб ўласан,
Катта бўлгач гап билан бир силтаса сўласан.
Бино қўйма, сийлама, пўпалама кўрасан,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Қариганда галвани кўтаролмас юрагинг,
Қани ота-оналар суянчиғинг тирагинг.
Ётиб қолсанг, оғирсанг кимга бўлар керагинг,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Ғамни олсанг кўнгилга тўлиб кетаверасан,
Офтоб урган майсадай сўлиб кетаверасан.
Юрагингни чангаллаб, ўлиб кетаверасан,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Ўзин боққанинг қолиб, боласин ҳам боқасан,
Куч - қувватинг борида ҳаммасига ёқасан.
Ўзинг учун бир бора чиққанмисан боққа сан?
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Уйлантиру болангни бўлак қилгин уйини,
Ўзи тортсин рўзғорнинг ташвишини ўйини.
Кўриб турсанг бўлгани соғ-саломат бўйини,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Таъма қилсанг бир нонни чимирилар қошлари,
Сенсиз пишиб ейилар ёғлиққина ошлари.
Югуришар олдингга оғриб қолса бошлари,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Эрининг топганини ўйнаб еркан бир аёл,
Ўғлининг топганини ўйлаб еркан бир аёл.
Бекорга айтилмаган халқ ичида бу мақол,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Майли тушган уйида яшнаб юрсин келинлар,
Мақтаб, алқаб, дуо қил яйраб юрсин келинлар.
Қайнонаммас онам, деб сайраб юрсин келинлар,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Ялаб юлқаган уйинг келинларга қолодир,
Сендан кейин ким билар не куйларга солодир.
Уйим, болам - чақам, деб олаверма хавотир,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Меҳнат қилдинг тинмадинг етганича имконинг,
Ўзинг учун ҳам яша, ганиматдур, ҳар онинг.
Тоғларга чиқ, ҳаво ют, жон-жон ўзингни жонинг,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Ўғилларда қўш улов, сен юрасан пиёда,
Ўзларидан ошмайди моли бўлса зиёда.
Болам-болам-болам деб, нима кўрдинг дунёда,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Ўлсанг болаларинг ҳам қабргача боради,
Айт-чи, унда сен билан қайси бири қолади.
Қиёматда қай бири ғуноҳингни олади,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Кўнглинг кимни хушласа ўша билан суҳбат қил,
Тиконларга қарама гулга қараб роҳат қил.
Асабингни қийнама, юрагингга шафқат қил,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Пардоз қилиб ясаниб, эй аёл, ҳеч толмагин,
Қариликни бўйнингга асло-асло олмагин.
Ўнта боланг бўлсаям эргинангдан қолмагин,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Кунлар қолар, инжиқ чол, бироз келмас ёнингга,
Шу илмилиқ кампиринг оро кирар жонингга.
Шукур қил бирга ўтган ҳар соат ҳар онингга,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Тўрт пул топсанг ярмини кексаликка олиб қўй,
Йиғиб эски нимчанинг чўнтагига солиб қўй.
Болаларинг пул деса, нафақангдан нолиб қўй,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Қўлинг ишда ва лекин Раббанода бўлсин дил,
Ғийбат, ҳасрат гапи қўй "Субҳоналлоҳ" айтсин тил.
Бу дунёнинг нонин еб, у дунёнинг ишин қил,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

Йиғиштириб умрнинг қолганини, борини,
Марҳабохон, қилгайсан охиратни корини.
Кулоғингга қуйиб ол бу насиҳат - дорини,
Ўғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга.

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ахборот

Республикамизда болалар ўртасида "Гендер ва ривожланиш" мавзусига бағишлаб ўтказилган иншолар танлови якунланди. Мазкур танлов бўйича 500 дан ортиқ иншолар келиб тушди. Болалар ўз иншоларида ижтимоий масалалар бўйича ҳам билимларга эга эканликларини намойиш этишди. Тинчлик Корпусининг Ўзбекистондаги "Гендер ва ривожланиш" билан шуғулланадиган вакиллари, истеъдодли ўғил-қизларнинг билимларига муносиб баҳо бердилар.

Гулистонлик В.Хан, навоийлик Л.Литвинова, Ш.Ниёзова, Ш.Сайдуллаева, бухоролик С.Саидов, қўқонлик Ш.Узоқов, жиззахлик Ф.Очилова, қаршилик Ш.Омонова, тошкентлик З.Қосимовалар танловда биринчи ўринни олишга сазовор бўлишди.

Республика Болалар жамғармасининг навбатдаги тренинг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда вилоят болалар жамғармалари томонидан ўқув ишлаб чиқариш марказларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ҳаракат дастурининг бажарилиши муҳокама қилинди.

- Балоғат остонасида турган ҳар бир йигит-қизнинг қалбида ҳеч кимга айтолмайдиган сирлари бўлади. Вилоятлар болалар жамғармалари қошида ишонч, яъни, сирли сўзлашув телефон алоқаси ўрнатиб, болалар билан мулоқот олиб борсак, ўйлайманки, биз фарзандларимиз ҳол-аҳволидан янада яқинроқ огоҳ бўламиз, - дея таъкидлади республика Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова.

О. НУРМАМАТОВ туширган сурат.

Ўз мухбиримиз.

СИНГЛИМДАН ХАЁЛАН УЗР СЎРАЙМАН!

Йўлакка чиқсам, бир четда кўзлари маъюс эркак турибди. Эшик очилганини кўриб ёнимга келиб, таҳририятга келганини айтди.

-Келинг, ака, бирор хизмат билан келдингизми? - дея сўрадим.

-Исмим Неъматилла. Эски шаҳарда яшаймиз. Оилада энг катта ўғил эдим. Мендан кейин тўртта синглим бор. Лекин, ҳаммаси аллақачон уйлик-жойлик бўлиб кетишган. Мен...

Эркак жим бўлиб қолди. Унинг кўзларида ёш халқаланди. У сочлари анчагина оқариб кетган бошини эгиб, чўнтагидан рўмолчасини олиб кўзларини артди. Узатган чойимни олиб бир ҳўплади. Сўнг: Ота-онамиз анча қийинчиликларни кўришган учун юракларини олдириб қўйган кишилар эди. Бизни кўз қорачиғларидек асрашга интилишарди. Мен ҳам сингилларим мактабдан сал кечикиб келишса, уларнинг адабини берардим. Шу боис менинг мўмин-қобил, меҳнаткашгина сингилларим кўчаларда мени кўриб қолишса бир сапчиб тушишарди. Ҳатто дугоналари билан ҳам гаплашишларига йўл қўймасдим. Мабодо кўриб қолсам улар муғайибгина сўкишларимни эшитишиб олдимга тушиб келишарди. Тан оламан улар бир-биридан чиройли эди. Уйда эрта тонгдан то кечгача уй-рузғор юмушлари ва томорқадаги ишларни бажаришарди. Шунинг учун онамга қўшниларимизнинг ҳаваси келарди.

Бир синглим мактабда жуда ҳам аълочи эди. Уни мактабларга турли тадбирларга юборишарди. Табиийки, уни кўп болалар ёқтиришарди. Мактабни битирган йили отам уни бир жойга котибаликка ишга киритиб қўйди. Ишхонаси уйимизнинг ёнида эди, ҳовлимиздан кўриниб турарди. Бир куни қарасам, синглим бир йигит билан гаплашиб турибди. Дарҳол олдига етиб бордим. Ранги қув учиб кетган синглимнинг олдида ҳалиги йигитни бир уриб ерга ағдариб юбордим. Башараси қонга бўялди.

- Нега энди? У синглингизга бирор ёмонлик қилганмиди ёки шилқимлик қилдими?

- Йўқ, ҳеч нарса қилгани йўқ эди. У аслида узоқ қариндошимиз ҳам эди. Айби синглим билан гаплашгани эди, холос. Шу-шу бўлди-ю, синглимнинг бironта йигит билан гаплашганини кўрмадим. Кейинчалик ўқишга кирди. Унинг ортидан анча йигитлар юришганини билардим.Баъзилари билан атайин жанжал уюштирардим. Улар синглимнинг ортидан юриб гўё оиламизга иснод келтириганга ўхшарди. Хотиним ҳам вақти-вақти билан: "Замира, фалончи билан гаплашиб турибди",-деганга ўхшаш гапларни етказиб турарди. Кейинчалик ўша мен қалтаклаган йигитлар яхши жойларда ишлаб, данғиллаган ҳовли-жойлар қуришди. Машиналар минишди. Биз синглимни ўзимиз билган қўшнимизнинг ўғлига узатдик. У ўқимишли эмасди. Дўконда ишларди. Пулни катта-катта сарфлаб юриб, анчагина камомад қилишди. Ҳовлиларини сотишиб, синглим билан "дом"га чиқиб кетишди. Кейичалик дўконни бойваччалардан бири сотиб олгач, у ишсиз қолди.

- Бу ерга келишингиздан мақсад?

- Ҳасрат қилиш эмас...Шунчаки, виждон азобида эзила бошладим. Синглимни ҳар кўрганда шу аҳволга туша бошлайман. Илгари билмаган эканман. Бечора синглим оғир сумкаларини кўтариб уйга қайтаётганида, ўша вақтида мен урган йигитлар хотинларини машинага ўтқазиб керилиб ўтиб кетишаётганини бир неча марта кўриб қолдим. Шундан кейин кўнглимни пушаймонлик туйғулари кемира бошлади. Балки ўша пайтларда индамаганимда... Шулардан бирига турмушга чиқиб егани олдида, емагани кетида бўлиб юрган бўлармиди,- деб изтиробга тушаман-да. Синглим бир этак боласи билан уч хоналик уйнинг тўртинчи қаватида қийналиб яшайди. Бир кун дам олмасдан чумолидек ишлайди. Мен ҳам рўзғоримдан ортиб унга ёрдам бера олмайман.

- Синглингиз ўзи танлаб турмушга чиқдими?

- Қаёқда, бунга йўл қўймаганмиз. Биз топган йигитга турмушга чиққанди. Таҳририятга келишимдан мақсадим шуки, сингилларини йигитлар билан кўрганда уриб-сўкадиган акалар бордир. Сизлар мендек иш тутманглар. Яхшиси ўша йигит билан биродардек гаплашиб кўринглар. Балки синглингизнинг бахтли бўлиб кетишига сабабчи бўларсизлар. Қиз боланинг ҳаёти учун акалар ҳам масъул. Афсуски мен қизиққонлик қилганман ўшанда. Синглимдан хафа ҳар доим кечирим сўрайман. Албатта ўзимнинг бу тазарруларимни унга айта олмайман. У мени, кенноисини жуда яхши кўради. Меҳрибон. Кўп вақт кўришмай қолсак, келганида кўришаётиб йиғлаб юборади. Майли, у билмай қўя қолсин.

Неъматилла ака кафти билан яна кўзларини артди. Менинг ҳам кўнглим эзилди. Чиндан ҳам акалар сингилларининг бахти учун масъул. Акаларга сўзим: Бўлажак куёвларингиз билан тўйдан олдин гаплашиб, сингилларингизни бахтли бўлишига замин яратинг. Синглингиз билан гаплашган йигитлар сизларга иснод келтириш учун эмас, балки, уни кафтида кўтариш, бахтли қилишни ният қилишаётгандир? Сингиллари бор йигитлар, сизлар нима дейсизлар? Йиллар оша виждонан қийналаётган йигит ўша пайтда тўғри иш қилганми?

Дилдор БЕГИМ.

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

ОТАМНИНГ ИСТАГИ



Телефонда мухлисларимиздан бирига бор овозим билан манзилимизни тушунтириш билан овора эканман, қизалоқларини қўғирчоқдек қилиб кийинтириб олишган йигит билан ёш бир жувон хонамга кириб келганини ҳам сезмабман.

Улардан узр сўраб ўтиришга таклиф этарканман иккисининг ҳам бироз ҳаяжонда эканлигини сездим.

- Бироз вақтингизни олсак майлими? - сал хижолот билан сўради йигит.

- Бемалол гапираверинг, - дедим уни ноқулай аҳволдан чиқариш учун.

- Биз Мирзо Улуғбек туманидаги энг гавжум маҳаллалардан биридаги Муса Жалил кўчасида яшаймиз. Аслида оиламизда 3 қиз, икки ўғилмиз. Ота-онамиз бизни ҳалол меҳнатлари билан боқиб ўстиришди. 3 опа-сингилларимиз Тошкентнинг турли туманларида яшашади. Отам улар учун куёвларни ўзлари танлаб кейин узатганлар. Шукр, отам тўғри иш қилганми дейман, гарчанд севишмасдан турмушга чиқишган бўлсалар ҳам ҳозир улардан бахтли одамлар йўқ. Иккита акам ҳам уйланишган, мен кенжасиман. Мана, икки қизимиз, Фотима-Зуҳроларимиз бор. Хотиним билан севишиб турмуш қурганмиз. Очиғини айтсам ота-онамиз бошида унча рози бўлишмади. Лекин Комилаларнинг уйига совчиликка бориб келишганларидан сўнг танлаган қизим ҳам, унинг ота-онаси ҳам жуда ёқиб, хурсанд бўлиб кетишди.

- Демак, оилангиз яхши, ота-онангиз ҳам сиздан мамнун эканлар-да?...

- Ҳа, шундай эди. Аммо, гап шундаки ота-онамиз ҳозир оламдан ўтиб кетишди,-деди мунг билан йигит.

- Акаларингиз билан бир ҳовлида турасизларми?

- Бирга турамиз. Аслида сизларнинг олдингизга ҳам шу масала билан келгандик. Оиладаги гапни кўчага олиб чиқишган одамларни унча ёқтирмасдим. Аммо, бугун ўзим шунга мажбур бўлиб қолдим-да...

- Ҳовлингиз каттами? Уччовингизга уй-жой етадими? - дея сўрадим.

- Ҳовлимиз катта, боғимиз ҳам бор. Отам тежаб-тергаб пул йиғиб ёнимиздаги ҳовлини ҳам сотиб олганди-да. Лекин, катта акамнинг фарзандлари улғайди. Уч ўғли бор. Каттасини уйлантириши керак. Энди жойимиз торлик қилиб қолаяпти. Акамга ўғлига уй олиш учун пул йиғиб берсакмикан?- деб ўйлагандик. У рад этаяпти. Чунки, жияним сал шўхроқ-да, назорат қилиб туришмаса бўлмайди. Буни мен ҳам тушунаман. Вақтида ота-онамнинг розилиги билан чиқиб кетсам яхши бўларди-ю, лекин улар машина олдим.

- Ҳовлингиз каттами? Уччовингизга уй-жой етадими? - дея сўрадим.

- Ҳовлимиз катта, боғимиз ҳам бор. Отам тежаб-тергаб пул йиғиб ёнимиздаги ҳовлини ҳам сотиб олганди-да. Лекин, катта акамнинг фарзандлари улғайди. Уч ўғли бор. Каттасини уйлантириши керак. Энди жойимиз торлик қилиб қолаяпти. Акамга ўғлига уй олиш учун пул йиғиб берсакмикан?- деб ўйлагандик. У рад этаяпти. Чунки, жияним сал шўхроқ-да, назорат қилиб туришмаса бўлмайди. Буни мен ҳам тушунаман. Вақтида ота-онамнинг розилиги билан чиқиб кетсам яхши бўларди-ю, лекин улар қўйишмади-да.

Менга васият қилинган жойни ташлаб кетсам... Ота-онамнинг арвоҳлари чирқиллаб мени изламасмикан ўзлари ўтган жойдан?... Бунинг устига ҳар бир ғишти-ю сувоғига отамнинг қўллари тегканлиги учун ҳам бу уйлар менга Каъбадек азиз туюлади.

Агар чиқиб кетмасам акаларим билан орамизда келишмовчилик чиқиши ҳам мумкин. Мен эса буни истамайман.

Шу ҳақда ёзсангиз. Агар кўпчилик бир маслаҳат берса шунга қараб иш тутарман, - деди Файзибек.

Мен бу йигитдан катта опасининг телефонини олиб қолдим. Уларни кузатиб келгач Мавлуда исмли бу аёлга қўнғироқ қилдим.

- Укамнинг таҳририятга кетганини ота уйимизга бориб келинларимдан эшитиб келиб, жуда хафа бўлиб ўтиргандим.

Бугун бориб ҳаммани йиғиб гаплашаман. Набира келинга икки хонали уй олиб берсак ҳам бўлади. Шу кенжамиз чол-у кампиримизнинг уйини чиннидек қилиб чирогини ёқиб ўтирибди. Бунинг устига келинимиз яхши. Борсак жонини бериб кутиб олади. Укаларимга тушунтираман. Улар ёмон одамлар эмас, гапимга киришади. Сиз мақола ёзаверинг. Чиқса укаларимга кўрсатаман. Кўпнинг фикри билан уларнинг муносабатлари янада яхши бўлсин, бир-бирларига бўлган оқибати сира кўтарилмасин, дейман-да-, деди Мавлуда опа.

Мен телефон қилаётиб, бу аёл укасини уришиб кетса керак, дея хавотирлангандим. Яхшиямки, тушунган аёл экан. Укаларини тўғри йўлга солмоқчи бўлган аёлга раҳмат айтдим. Аммо, кенжа ўғилни таҳририятимизга бошлаб келган муаммо бўйича эса барибир, мухлисларимизнинг маслаҳатларини кутамиз.

Басира САЙДАЛИЕВА.

ЭРТАСИНИ ЎЙЛАМАГАН ҚИЗ...

"Билмайин босдим тиконни" 20-сон 2004 йил

ЭСЛАТМА: Институтга кириш имтиҳонидан ўтолмадим. Бир йигит билан танишиб қолдим. Орамиз тобора яқинлашиб, бўйимда бўлиб қолди. Буни сезган отам мени «оқ» қилди. Уйдан кетиб у билан яшай бошладим. Қизим туғилди. Уни туғруқхонада қолдириб қочиб кетдим. Кейинчалик эримнинг хотини борлиги маълум бўлди. Ҳозир иккинчи хотин бўлиб яшаяпман. Лекин фарзанд кўрмадим.

Муаллиф: Эргаш АТОЕВ

Синглим! Ҳаётингизнинг армонларга юз тутишида енгил ҳаётга ружу қўйганлигингиз, мулоҳазасизлигингиз сабаб бўлган. Дастлаб йигит билан танишганингизда нега у ҳақда суриштирмадингиз? Сизда ота-онангиздан ҳайиқиш у ёқда турсин, ақалли ҳурмат қилиш ҳисси ҳам йўқ экан. Бундай бўлишига ота-онангизнинг эътиборсизлиги ҳам катта имконият яратиб берган. Бетиним сайру-саёҳатлар, ижарама-ижара юришларингизни қандай тушуниш мумкин? Йигитнинг наздида сатанг қизлардан фарқингиз бўлмаган. Ахир, ҳамма ҳам қўли етмас нарсага талпинади. Иффатингиз бўстони топталганида фарёду-нолаларингиз билан еру-осмонни титратиш ўрнига, қувончдан кўкка учибсиз. Бу мудҳиш ҳолни ўз хоҳишингиз билан 5-6 кун такрорлабсиз. Агар ҳамма қизлар шундай қилаверса нима бўлади...

Мушфиқ онангиз, бечора отангизнинг қандай аҳволга тушишини ўйламадингизми? Бемаъни ҳою-ҳавасга берилиб, ўткинчи ҳирс қурбонига айланаётган сизга ўхшаш нобоплар қиз номига иснод келтиришади. "Озгина ичиб олганимдан сўнг йигит кўзимга олов бўлиб кўрина бошлади. Сўнг, сўнг... Беихтиёр берилиб кетдим". Шундай дейишга уялмадингизми? Сизнинг шу сўзларингиз мусулмон аёлига муносибми? Қодиралининг оиласи мард аёл экан. У биладики эри учун сиз каби қизлар ўткинчидир. Ўз қадрини билган аёл эр изидан югурмайди. "От айланиб қозиғини топади", дейишган. Ўша аёл биладики вақти-соати келиб Қодирали фарзандлари бағрига қайтади. Шу ўринда Қодиралига ҳам икки оғиз сўз айтишни лозим топдим:

- Эй, ғофил йигит! Муҳаббат кўчасидан ўтмаган, ҳаё остонасига қадам қўймаган, ҳаётни фақатгина кўнгилхушлик деб билган мақсадсиз бир қизга садоқатли, нурдан-да покиза, зиёли аёлингизни алмашдингизми? Сиз каби номард йигитлар ўзбегимнинг алпқомат жасур йигитлар обрўйига путур етказади. Шу қизга уйланар экансиз, нега бегуноҳ боладан воз кечдингиз? Гўдакнинг уволидан қўрқмадингизми?

Эртасини ўйламаган бечора синглим! Сиз бахт, деб ўйлаганингиз омонат кулба. Бевафоларни ҳеч ким суймайди. Вафо юракни лов-лов ёндирадиган, қалбга эркинлик берадиган ҳузурбахш туйғу. Вафони дилга жо этган кишилар ҳақиқий бахтга эришиши муқаррар.

Моҳира БЎРИЕВА,
Термиз шаҳри.

Акс-садо

УМР САВДОСИ ДАСТУРХОН

"Икки ўт орасида қолган кўнгил" 37-сон

ЭСЛАТМА: Ота-онамнинг тавсиясига кўра, ўзим ёқтирмаган қизга уйландим. Тўй-ку бир кунда ўтди, кетди. Аммо, аламли кунларнинг доғи бир кунда ўтиб кетмас экан. Вақт ўтиб, Нозима исмли қизни севиб қолдим.

Муаллиф: НОДИР.

Бош бўладиган одам ёшлик қилиб, мушкулотга қолганини қаранг! Одатда, айниқса, оналар фарзанд қалбини ҳис этадиган бўлгучи эди. Бу хонадонда унинг акси бўлибди. Чунки ўғлини гўдаклигидан бошлаб, жонини фидо қилиб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай фарзандини камоли-жамолини кўрадиган чоғида унинг бўй-бастига суқланиб боқиб, бахтини баркамол қилиб яратадиган пайтда, уни майлига қарамай уйлантириши Нодиржонни "Икки ўт орасида қолдирибди. На қилсинки, мажбурлаб уйлантиришибди".

"Қанча қаршилик қилсам ҳам, уйдагилар келгуси ҳаётимни "бахтли кунлар билан ўтишини" кафолатлаб қўйишди... Тўй-ку бир кунда бўлиб ўтди, аммо аламли кунларнинг доғи бир кунда ўтиб кетмас экан...", - дея зорланибди йигит бечора.

Орзулари армонга айланган Нодиржоннинг ҳолига дил-дилимдан ачиндим-да, азизлар.

Аслида ўғил уйлашда ҳам, қиз узатишда ҳам "етти ўлчаб бир кес"ишимиз керак бўлгани ҳолда лоқайдликка йўл қўйгани ёмон бўлибди. Эссиз, улар ўз ўғлинигина эмас, ўзганинг қиз монандининг ҳам бахтини совуришди. Йигит унга ройиш кўрсатмай, бошқа Нозима исмли қизни севиб қолганини достон қилаяпти бечора: келажак ҳаётини усиз асло тасаввур қила олмасмиш.

Ўзи каби тенгдошларига кўнгилсизлик билан уйланмасликни, йўқса, у каби аросатда қолиб юрмасликни даъват этади. Эҳ, аттанг, бир хонадондагиларнинг айби билан фақат янги келин эмас, унинг ота-онаси ўз ёғига қовриладиган бўлибди-да! Мени ажаблантирадиган муаммо шуки, негадир айрим ёшларимиз мулоҳаза юритиб иш тутмайди, ҳаётни енгил ўйлашади. Бўлмаса,

БЎЯШ ЭМАС-КУ!

Нодиржон уйланганига ҳеч қанча вақт ўтмай, бошқасини ўлдим-куйдим даражасида севиб қолармиди? Ахир, умр савдоси Горькийнинг дастурхон бўяшидек осон эмас-ку! Бизнингча, барча жонзотларнинг гултожи бўлган Инсон: ўша Нодирнинг ота-онаси ҳам, келин томондаги ота-оналар ҳам, айниқса "Тақдирин қўл билан яратувчи" Нодир ҳам теранроқ фикр қилиши керак эди.

Менимча, янги севилган қиз - Нозима аёли бор йигитга турмушга чиқишга унамаслиги керак. Шундай бўлиши аниқ. Акс ҳолда у ҳам бахтсизликка учраши мумкин.

Азиз мухлислар, ҳаётда адашганларга равон йўлини топиб олишида чидам тилаб, бошқа ёшларни хушёрлик билан иш юритишини истаб қолайлик, токи оилалар бахтсизлиги дилларимизга ўкинч солмасин!

Афифа ХАСАН қизи.

ЁШЛИКДАГИ ТАРБИЯ МУҲИМ

"Умр ўзи ганимат" 26- сон

Эслатма: 82 ёшли онамнинг илтимосига кўра, 15 йилдан буён гаплашмай келаётган синглим билан укамни яраштирмоқчи бўлдим. Лекин, синглим мени ҳатто уйига ҳам киритмади. Онам йиғлаб ялинса ҳам, кўнмади. Нима қилсам уларни яраштиришим мумкин.

Муаллиф: Л. АҲМЕДОВА.

Ушбу мақолани ўқиркан-ман жуда ҳайрон бўлдим. Ахир, бир қориндан талашиб тушган ака-сингиллар... Шу қадар ҳам бешафқат, беодоб бўладиларми? Сингилда айб десам, акаси ҳам балки хотинининг гапига кириб, сингилни қаттиқ хафа қилгандир? Лекин ҳар бир ёмонликнинг илдизи эса ёшликка, ота-онага бориб тақалаверади.

Ота-онамни эслар-канман бахтиёр болалигим кўз олдимга келаверади. Раҳматлик онам Тожинисо ая марҳум бузрукворим Жуманбой ота билан ўттиз йил тинч-тотувликда ҳаёт кечиришган. Ўтган ҳаётлари давомида етти болани ерга топширган онажоним, отамларга учинчи хотин бўлиб, икки фарзанд устига турмушга чиққан экан.

Ўгай онам болалигимизда оламдан ўтиб кетди. Уларнинг икки қизлари - Қўралой ҳамда Ўралой опамларни онам оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиб, ўзи турмушга узатган. Биз тўрт қиз, бир ўғил турмушга чиқиб, бола-чақали бўлгачгина, уларнинг ота бир, она бошқа опаларимиз эканлигини билганмиз. Ҳали-ҳанузгача опа-сингиллар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари узилмаган.

Биз кундузи акам, опаларим билан далада ишлаб, кечалари кўсак чувирдик. Кўлимиз бўш қолса гилам тўқирдик. Онам билан отам дунёга келмасимдан олдин: "боламизнинг қадами қутлуғ келсин. Хосиятли бўлсин", - деб исмимни Хосият қўйишган экан.

Биз қийналиб яшасак-да, бахтли болалик онларини бошдан кечирдик. Ота-онамиз ҳеч қачон бизни қарғамаган. Исмимизга "жон" қўшиб чақирар, бизларни меҳр-муҳаббат оғушида ўстиришганди. Онам менга бирор марта баланд овозда гапирганини эслолмайман. Отам билан ҳам бирор марта "сан-ман"га бормаганлар. Отам эса бизни "Она қизим",- деб чақирарди.

Турмушга чиққанимда эса онамдан ўрганганларимни қулоғимга сирға қилиб илдим. Борган жойимда туп қўйиб, палак ёзишга интилдим. Эрим оилада ёлғиз ўғил бўлиб, ота бошқа синглиси бор эди. Қайнонамнинг инжиқлигини, қайнсинглимнинг эркалигини кўтардим. Икки болали бўлганимда эрим кўзи оғриб, кейин эса автоҳалокат туфайли беш йил касалхонада даволанди. Икки болам билан алоҳида рўзғорга (қайнонам, қайнсинглимга бергандилар уйларини) қўшиб, қайнота-қайнонамни ҳам боқдим, дуоларини олиб кам бўлмадим. Олти фарзандим, уч қиз, уч ўғлимни барчаси бугунги кунда уйли-жойли, Аллоҳга шукр.

Куни кеча қўшним Зуҳрахонни учратиб қолдим. Кўзларида ёш, паришонлик билан ўтиб кетаётган экан. Тўхтатиб, ҳол-аҳвол сўрадим.

- Бошингда паноҳинг бўлмагандан кейин ўтган ҳам, кетган ҳам туртиб ўтаркан, - деди у ўпкаси тўлиб. - Ота-онам вафот этган. Кеча опаларим билан ота ҳовлимизга бориб, якинларимизни бир хотирлайлик деган-дик. Бугун борсак, янгам ҳаммаёқни қулф-калит қилиб олибди. Бир пиёла чой ичар-ичмасдан, болаларини қарғашга тушди. Янгамнинг: "Қизим сенга гапираман, келиним сен эшит" қабилида айтган гапларига чидаб бўлмасди. "Янга, бўлди энди, болаларда нима гуноҳ", - деганимни биламан, бобиллаб кетди.

- Ота-онам йўқ-да, опа, агар улар тирик бўлганда ҳаммаси бошқача бўларди, деди кўзларидан ёшларини дув тўкиб.

Меҳр-муҳаббатли киши ҳамиша барчага баробар ёқади. Инсон яхшиликнинг қулидир. Чунки дунёда яхшилик ва ёмонликдан кўра узоқроқ яшайдиган нарса йўқ.

Мен ўз ҳаётий тажрибаларимга таяниб, онажоним ўгитларидан келиб чиқиб, Аллоҳ ҳар кимни ниятига яраша сийлайди,- деган хулосага келдим.

Турмушнинг пасту-баланд йўлларида не-не синоатлар бошимиздан кечади. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам жигарларимиз куним-изга ярайди. Уларнинг меҳрини қўмсаб қоламиз. Шундай экан ака-сингилнинг вақтида ярашиб олиши зарур. Ахир, ҳаёт бир умр берилган эмас-ку!

Кейинчалик пушаймон бўлиб юриш... Ҳеч кимга фойда келтирмайди.

Хосият ТОҲИРОВА,
Оққўрғон шаҳри.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Онажоним **МУҚАДДАМХОН ЭГАМБЕРДИЕВА!**

Сиз оилада бизга она, мактабда устозимиз бўлдингиз. Сизни 54 ёшга тўлишингиз ҳамда 8-март хотин-қизлар байрами билан табриклайман.

Ўғлингиз Хасанбой Эгамбердиев, Сирдарё шаҳри, С.Рахимов ж/х.

Азиз онажонимиз **Муҳаббат ИБРАГИМОВА!**

Сизни таваллуд айёмингиз ва 8-март баҳор байрами билан қутлаймиз. Сизла обод хонадонимизга кўз тегмасин. Бахтимизга доимо соғ бўлиб узоқ умр кўринг.

Қизларингиз Сурайё, Наргиза, набирангиз Санжар, Шохрўз.

Ҳурматли устозимиз Ортиқ ака **ТОШХЎЖАЕВ!**

Сизни қутлуғ 65 ёшингиз билан табриклаймиз. Биз сиздан миннатдормиз ва узоқ умр, соғлиқ тилаймиз.

Чилонзор туман газлаштириш идорасидаги ҳамкасбларингиз ва шогирдларингиз.

Азиз синглим **МУҲАББАТОЙ!**

Сени таваллуд айёминг ва 8 март Хотин-қизлар байрами билан чин дилдан табриклаймиз. Қалбинг доимо шундай меҳрли, сўзларинг эса доимо сеҳрли бўлсин.

Эҳтиром билан опанг ва поччанг.

Суюкли **САНЖАРБЕК!**

Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин. Келгусида ҳамма ҳавас қилгудек бек йигит бўлиб, камолга етгин. Илоё доимо соғ бўлгин.

Бувижонинг Муҳаббат, ойинг Сурайё, холанг Наргиза.

Асалтойимиз **ШОҲРЎЖОН!**

Сени туғилган кунинг билан табриклаймиз. Келгусида Алпомишдек жасур, Бобурмирзодек нозик қалбли, меҳрибон инсон бўлиб улғайгин. Умринг узоқ бўлсин.

Бувижонинг Муҳаббат, ойинг Наргиза, холанг Сурайё.

Азиз ҚУРБОН тоға!

Сизни табаррук 80 ёшингиз ила муборакбод айлаб соғлиқ, Тожинисо холам билан қўша-қариб умргузаронлик қилиб юришингизни тилайман.

Иброҳимжон

Ҳурматли Жавлонбек НОСИРОВ!

Сизни никоҳ тўйингиз муносабати билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз. Сизга ва рафиқангиз Оқилахонга мазмунли ҳаётнинг доимий бахтини ва фаровон келажагини тилаймиз.

Расуловлар оиласи

Азизам РАЪНО!

Сени 19 баҳоринг билан самимий қутлайман. Сенга узоқ умр ва бахту саодат тилайман.

Опанг Зебо Қашқадарё вилояти.

Тошкент тумани И.И.Б. ходими Шуҳрат НИҒМАТОВ!

Сизни 4 март 33 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, соғлик тилаймиз.

Оила аъзоларингиз. Тошкент тумани.

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН!

Миннатдорчилик

Тақдирда бор экан, 2005 йил 26 январ куни автоҳалокатга учрадим. Мени зудлик билан Ўрта Чирчиқ туман марказий касалхонасининг жарроҳлик бўлимига олиб келишди. У ерда менга шифокор С. Юсупов ва тез тиббий ёрдам ҳамширалари қўлларидан келганича биринчи ёрдам кўрсатишди. Хуллас икки марта жарроҳлик столига ётдим. Жарроҳлик пайтида ва ундан кейин ҳам шифокорлар мендан ширин сўзларини дариғ тутишмади. Бўлим мудири М.Хўжаназаров, Н.Ражапов ва С. Юсуповлар, катта ҳамшира С.Матёқубова, ҳамшираллар И.Сорибоева, Э.Шомуҳамедова, Р.Газетова, А.Абдумаликова, З.Холдорова, Р.Умурзоқова, ошпаз Д.Тожиеваларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Касалхонадаги барча хотин-қизларни 8-март баҳор байрами билан табриклайман.

Роза ДУШАБЕКОВА, Ўрта Чирчиқ тумани.

Об-ҳаво маълумоти

Республикамизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шамолнинг тезлиги кучаяди. Ҳарорат кечаси **3°-8°**, кундузи **15°-20°** атрофида илиқ бўлиши кутилмоқда.

ЭЪЛОНЛАР!

Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллерғик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

"Дилором" **ЎҚУВ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

2 ойлик - Компьютер билимлари (Windows - ME-200, MS Office; INTERNET-E mail); - "1С" бухгалтерия;- Компьютерларни таъмирлаш ва модернизациялаш;
-Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш ("Элита" усулида); - Бисер тикиш (мунчоқлар билан гул тикиш); - Сартарош-стилист (компьютерда прическа танлаш); **3 ойлик** - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бикиш, конструкциялаш, моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар); - Уй ҳамшираси; -Массаж.

Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Манзил: А.Қодирий кўчаси, 13-уй, 3-қават, 2-хона. Мўлжал: метронинг "Алишер Навоий" бекати, стоматология поликлиникаси ёнида. Телефонлар: 144-03-25, 144-92-39

"Санам - Сервис" **ўқув маркази сизларни ўқишга таклиф этади:**

1, 2 - йиллик: 1. Модельер-дизайнерлар тайёрлаш. **2.** Либосларни моделлаштириш ва конструкциялаш. **4-ойлик: 3.** Бичиб-тикиш чокдан бошлаб (3 ойлик курси ҳам бор. Костюм, шим, пальто биргаликда ўтилади.) **4.** Зардўзлик (Бухороча). **3-ойлик: 5.** Замонавий "Элита" парда, чойшаб ва бежирим ёстиқлар тикиш, уй безатиш. **7.** Торт, печенье, салатлар тайёрлаш, келин-куёв ифодаланган торт пиширш (олий даражадаги кулинария 10 кун) **8.** Ҳамширалик (амалиёти билан) **9.** Уқалаш (массаж умумий, амалиёти билан). **10.** Инглиз тили. **11.** Радио-техникани таъмирлаш. **12.** Компьютер сабоқлари ва таъмирлаш. **13.** Бухгалтерия ҳисоби. 2-ойлик **15.** Сартарошлик (аёл ва эркаклар учун алоҳида) **16.** Косметолог-визажист. **17.** Бадиий маникюр ва педикюр. **18.** Келинлар салонида шогирдлар тайёрлаш. Бунда сиз келинлар ва оқшом либосини бисер билан безатиш, вишевка, гул ясаш, тақинчоқлар ясашни ўрганасиз. Дарслар ҳар куни келинлар салонида олиб борилади.

Ҳар бир курсларга тезкор гуруҳлар мавжуд. Ўқишни тамомлаган ўқувчиларга ТошДТУ томонидан сертификат ва ўқув марказнинг дипломи берилади. Ётоқхона билан таъминланади.

1.Манзил: Метронинг М.Улуғбек бекати. Халқлар дўстлиги кўчаси 23"а"-уй, 6-қават. Мўлжал "Спорт" комплексининг қаршисидаги 9-қаватли сариқ бино.

Тел: 8⁰⁰-22⁰⁰ гача 49-18-71, 168-49-23. 10⁰⁰-17⁰⁰ гача, 18⁰⁰-22⁰⁰ гача 40-20-59.

Шайхонтохур туман ҳокимиятидан 1993 йил 26 январда Муқаддам АЛИМБОЕВАга уй учун берилган 09-02/3862-рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор туманидаги 50-ўрта мактабдан **САИДИНОВ Азизбек Аҳматиллаевич** номига берилган **UN№ 0416402** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

АЗИЗИМ, ОНАЖОНИМ!

Онажон! Туғилиб ўсган хонадонимизни соғинсам йўл қараётган сиз мунисим кўз олдимга келаверасиз. Меҳрингизни қўмсайверамаи. Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар аёллар сиймосида давом этиб келмоқда.

Сиз меҳрибон, мушфиқ онажоним Холпошша Арзиметова ҳам шундай аёллар сирасига кирасиз.

Отам вафотидан сўнг беш фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдингиз. Фарзандларим ўксинмасин деб, рўзғор аравасини бир ўзингиз тортиб келдингиз. Ўзи кулса ҳам, кўзи кулмайдиган фарзандларингизнинг ярим кўнглига малҳам бўлиш осон эдими, мунисам? Бизларни илмли, уйли-жойли қилдингиз, минг раҳмат.

Бу дунёнинг довонларию синовлари кўп. Бахтни ҳам, қайғуни ҳам чидаганга чиқарган. Сабру қаноат одамни юксакларга кўтаради, файзу баракот ато қилади.

Саранжом-сариштам, пазанда, ораста, қалби тўла меҳр, уйга меҳмон келса ёш боладай хурсанд бўлиб кетадиган бегойимим. ОНАЖОН.

Жонини "сен"лаб, боласини "сиз"лаган онажоним - бугун сиз 60 ёшни қаршилаяпсиз.

Кутлов

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин меҳрибоним! Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин, мустаҳкам соғлиқ ато этсин. Дилингиздаги неки эзгу орзу-ният бўлса, барчаси рўёбга чиқсин. Невара-чевараларингизнинг камолини, бухтини кўриш насиб этсин.

Гулнора ИБРОҲИМОВА.

Республика Болалар Жамғармаси, "Оила ва жамият" газетаси ва "Саодат" журнали жамоалари адиба

Нозик ҚЎЗИЕВАнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

МУНАЖЖИМЛАР

ҚЎЙ (21.03 — 20.04).- Ҳафтани ўзингиз учун бағишланг. Дам олинг, дўстлар билан дийдорлашинг. Сизни ажойиб совға кутмоқда.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Эшитган хабарингизга ишонманг, сизни лақиллатишга ҳаракат қилишади. Ўз фикрингизни ўзгартирманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Ижодий режалар тузинг. Кўпроқ шахсий режаларингизни амалга ошириш билан банд бўлинг.

КИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Руҳий хотиржамлигингизни сақлаш учун қадрдон дўстларингиз билан учрашинг. Муаммоларингиз ҳақида маслаҳатлашиб олинг.

АРСЛОН (23.07 — 23.08).- Фарзандларингиз сизни ўзлари эришган муваффақиятлари билан қувонтиришади. Тижоратда ҳам омадингиз келади.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Йиғилиб қолган юмушларингиз диққат билан ишлашингизга ҳалақит беради. Шунинг учун бугунги ишингизни эртага қолдирмасликка интилинг.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Ўз ҳақингизда ғийбат гапларни эшитасиз. Аммо, бунга парво қилманг.

ЧАЁН (24.10 — 22.11).- Кўпчиликнинг олдида ўз муваффақиятларингиз ҳақида гапириш имконияти туғилади.

БАШОРАТИ

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.). - Кўпдан кутган ва излаб юрган кишингиз билан учрашасиз. Лекин, дилингиздагини ошкор этишга шошилманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Рўзғорингизга катта буюм харид қиласиз. Қарзга ботишдан чўчимаган ҳолда ўзингизга ёққанидан танланг.

ҚОВҒА (21.01 — 18.02).- Ўйлаб иш тутмасангиз "Аттанг!" деб қоласиз. "Етти ўлчаб бир кесинг".

БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Яқинларингиздан антиқа совға оласиз. Бу совғани авайланг, сизга у бахт келтиради.

МУРДАЛАРНИ ТИРИЛТИРАДИГАН... КИШИ

Испаниянинг Барселона шаҳридан 32 чақирим нарида жойлашган Сангро қишлоғида Мигель Рамос деган руҳоний яшайди. М.Рамосни зиёрат қилгани ер юзининг турли бурчакларидан юзлаб одамлар ташриф буюришади. У икки юзга яқин мурдани тирилтирган.

- Бир куни, - деб ҳикоя қилади ана шу "жараённи" ўз кўзи билан кўрган Хуанита Перез. - Гектор шаҳри ҳокими Порреснинг жасадини черковга келтиришди. У билан видолашгани юзлаб одамлар тўпланишди. Ногаҳон руҳоний Рамос тиззаларини букиб, дуо ўқиди. Сўнг тобут томон борди-да, қўлидаги чорчўпни тобут қопқоғи узра бир-икки марта айлантирди. Ва... мўъжиза юз берди: ўлиб ётган ҳоким кўзини очиб, жойидан турди...

Барселоналик шифокор Луис Замора эса Сангрода бир неча ой мобайнида яшаб, Рамоснинг фаолияти билан яқиндан таништди ва у ҳам юзлаб одамлар каби ёқа ушлаб қайтди.

- Мен, - дея ҳикоя қилади у. - Рамоснинг бу ишига шубҳа билан қарардим. Кунларнинг бирида олти яшар қизча сувга чўкиб ўлди. Жасадини ўзим обдон текшириб кўрдим. Орадан бир соат ўтгач, Мигель Рамос келиб қолди. У дуо ўқигач, чорчўпини қизчанинг пешонаси узра айлантирди: мурда шу заҳотиёқ тирилиб кетди...

Мигель Рамос ниҳоятда камтар инсон. Ундан: "Очиғини айтинг, ўликларга қандай жон ато этасиз?" - деган саволга оддийгина қилиб: "Ўзим ҳам билмайман..." - деб жавоб қайтарарди, холос.

БИРИ БОҒДОН БИРИ ТОҒДАН

ЭЛЕКТРДАН... РОҲАТЛАНАДИ

Югославиялик 57 ёшли Мирослав Гроздановичнинг организми аломат ҳусусиятга эга. У электрик бўлиб ишлайди. У электр токини ушлаганда кўнгли беҳузур бўлиш у ёқда турсин, аксинча, роҳат қилади. Баданига маълум миқдорда ток "ўтказиб" олгач, худди бир неча вақт тўйиб ухлаб олган кишидай тийраклашади. 220 вольт кучланишли электр розеткасини ҳўл бармоқлари билан ушлаган куни, у ўзини жуда бўшашган - заиф сезади.

...ЎҒИЛДИР ДАВЛАТНИНГ БОШИ

Вашингтон (АҚШ)да бир аёл ҳар уч дақиқа биттадан бола туққан, жами 5 ўғил, 2 қиз.

Э, офарин! 1998 йилда Саудия Арабистонилик бир аёл, ундан сўнг АҚШнинг Айова штатида ҳам 7 тадан бола туғилиб, бу қувончли воқеа такрорланган эди.

Италияда ҳам шундай воқеа рўй берган эди. Мариэлла Маргарита бир неча дақиқада саккизта эгизакнинг онаси бўлиб қолган, фақат икки чақалоқ одатдагидек туғилган бўлса, олти нафари жарроҳлик йўли билан олинган. Охирги гўдак эса тезда дунёдан ўтган. Қолганларининг яшаб кетишлари учун шифокорлар муолажа кўрсатишган. Чақалоқлар доимо шифокорлар назоратида бўлган.

Жиззах вилояти, Пахтакор шаҳарчасида истиқомат қилувчи бир аёл ҳам бир йўла 4 ўғил туққан. Эгизакларнинг биттаси шифохонада вафот этган. Барибир энди 4 ўғли бор. Бош фарзанди ҳам ўғил эди-да, ахир.

Ҳа, "Отдир йигитнинг йўлдоши, ўғилдир давлатнинг боши", - деб бежиз айтишмаган.

ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР

Инсон ҳамма нарсага қодир. Афинадаги зоомагазин хўжайини балиқларни инсон билан гаплашишга ўргатиш учун узоқ вақт меҳнат қилди. У ўзи боқаётган бир неча балиқни думи билан стулга ўтиришга, сузгичлари билан хайрлашишга, эгилиб, салом беришга ўргатди. Қойил-э! Балиқлар, шунингдек, оғзини очиб сўзларни қулоққа эшитилмайдиган даражада талаффуз қиладилар.

ГУЛЛАР ҲАР ХИЛ РАНГДА БЎЛАДИ, НЕЧУН?

Гуллар учун уларнинг ҳидлари қандай аҳамиятга эга бўлса, ранглари ҳам шундай аҳамиятга эгадир.

Ҳашаротларнинг кўзи одамларникидан бутунлай бошқача бўлса-да, улар рангларни кўради ва фарқ қилади. Шуниси қизиқки, капалаклардан бошқа ҳамма ҳашаротлар қизил ранг мустақил ранг эмас, балки кулранг туснинг бир тури деб "ўйлайди". Лекин, шунга қарамай, асаларилар лолақизғалдоқларга кўпишини кўп учратиш мумкин, нима учун? Чунки, асаларилар лолақизғалдоқнинг қизил рангини кўрмайди, бу ранг асаларига ультрабинафша ранг бўлиб кўринади. Ҳашаротлар эса бу рангни фарқ қилишади.

Гулларнинг ҳар хил рангда бўлишига сабаб нима? Биз ниҳоятда хилма-хил рангдаги гуллар борлигини, ҳатто уларнинг гуллаш вақтида рангларини ўзгаришини биламиз.

Энг кўп маълум бўлган бўёқ моддалар ксантофилл ва каротин ҳамда антоциандир. Ксантофилл гулга сариқ, каротин жигарранг ва антоциан қизғиш - кўк-бинафша тус беради. Шунинг учун ҳам, масалан бўтакўз ўсимлиги гулининг ранги ўзгаради. Чунки унга ранг берувчи антоциан лакмус қоғозига ўхшаб ўз рангини ўзгартиради: кислотада пушти рангга киради, ишқорда ҳаво ранг тус олади. Гул очилиб, катталашган сари ундан хужайралар ширасининг таркиби ўзгаради - бошида кислотали кейин эса ишқорли бўлади. Гулнинг ранги шунга қараб ўзгараверади. Шунинг учун гуллар ҳар хил рангда бўлади.

ЧАҚМОҚМИ, ЧЎЧИМАНГ

Баҳор, куз фаслида гоҳо момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чақишини барчамиз кўп бора кўрганмиз. Табиат ҳодисаси-да, чақмоқ чақиб яшин австралиялик ўн уч ёшли қишлоқ қизи Латта Гофмайстернинг ёнидан ўтди-ю, у машҳури жаҳон бўлди-қўйди.

Чақмоқ тингач, уйига қайтаётган қизнинг рўпарасидан арқонини узиб, шаталоқ отиб юрган буқа чиқиб қолса бўладими? Қизча қўрқмай буқанинг шохларидан ушлаб қайириб ташлади.

Орадан бир неча кун ўтгач, қишлоқда ўтказилган байрамда шу ерда яшовчи полвонлар ўз маҳоратларини кўрсатишди. Латта ҳам майдонга тушиб, иккита полвонни даст кўтариб, ерга отди. Қизиқ, қизча бундай куч, қудрат, жасоратни қайдан олди? Мутахассислар чақмоқ чақнаган маҳалда қизчага юқори электр зарралар қуввати ўтган бўлса керак, деган фикрни билдиришмоқда.

20 НАФАР КИШИНИ ЮТГАН ҚАБР

Болгариянинг Тетевен деган жойидаги қабристонда дафн маросими бўлаётганди. Шунда ҳамманинг кўзи ўнгида битта қабр очилди-ю, 20 нафар кишини ютиб юборди ва шу заҳотиёқ бекилди. Шундай кутилмаган фожеадан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

ЎҒИЛМИ, ҚИЗМИ?

Туғилажак фарзандининг ўғил ё қиз бўлиши ота-онага боғлиқ эмас. Француз шифокорлари бу хусусда сал бошқачароқ фикрлайдилар. Улар ҳар ҳолда бўлажак фарзандининг жинсига таъсир кўрсатиш мумкин, демоқдалар. Шифокорларнинг тавсиясига эътибор берадиган бўлсак, ўғил кўришни хоҳлаган аёл оқсил, печенье, бисквитлар, картошка, қўзиқорин, қуритилган нўхот, банан, шафтоли, апельсин, олча, олхўри ейиши, маъданли сув ва мева шарбати ичиши керак экан.

Қиз туғишни орзулаган аёлга кўпроқ кальцийли, маъданли сув, какао, тухум, қатиқ, нон, хамиртуруш ҳамда туз солинмаган пиширикlар, гуруч, бақлажон, бодринг, пиёз, помидор, олма, нок, қулупнай, малина, ёнғоқ, шакар, асал, мураббо истеъмол қилиш тавсия этилади.

Оилада ўғил туғилиши учун таомда калий моддаси, қиз туғишни учун кальций моддаси устун бўлиши керак. "Марҳамат, синаб кўришингиз мумкин", - дейишмоқда шифокорлар. "Ўғил хоҳлайсизми, қизми" номли жадвал ҳам севимли "Оила ва жамият"нинг саҳифаларида бир неча бор қайта чоп этилганди. Мухлисларимизда катта қизиқиш уйғотганди. Гарчанд шундай бўлса-да, ким нимани хоҳласа, астойдил қунт қилса, Аллоҳ таолодан сўраса, ўғилми, қизми насиб айлагай, иншоаллоҳ.

ТИЛСИМОТ... ИНСОН ЎЗИНГ

Нафас: инсон жисми соат 16 дан 18 гача енгил нафас олади.

Ҳис этиш: инсон ўзини соат 17 ва 19 лар орасида яхши ҳис этади. Равон эшитувчи ва дадил бўлади.

Ўсиш: кишининг териси ва тирноғи соат 16 дан 18 гача тез ўсади.

Иммунитет: киши аъзои танаси ҳар хил юқумли касалликларга соат 22 да қаттиқ қаршилик кўрсатади.

Туғилиш: янги инсоннинг дунёга келиши асосан соат 24 дан тонгги 4 оралиғига тўғри келади.

Ёлғизликни истамаган пайт: ёлғиз инсон соат 20 дан 22 гача танҳоликдан руҳий азоб чекади.

Кўзнинг нурсизланиш пайти: ҳайдовчилар тунги соат 2 да йўлни яхши кўрмайдилар.

Тунги сменада: тунги сменада ишлаб чиқаришда ишлаётганлар лаёқати соат тунги 3 дан 4 гача анча сусаяди. Шу оралиқда тамадди қилган маъқул.

Бўшанглик: кишининг энг бўшанглик ва суст вақти тонгги соат 4 билан 5 оралиғидадир.

Меъда сиғими: оддий ҳолатда меъда сиғими 1-3 литрни ташкил этади. Бирок унинг сиғимига истеъмолга қараб ўзгариб туради. Жумладан, пиво ичимлигини ҳуш кўрадиганлар меъдаси саккиз литр пивони сиғдира олади. Бир кунда меъда 1,5 литр ошқозон ширасини ишлаб чиқаради.

Юрак ҳаракати: юрак - бу мускул бўлиб, оғирлиги ўртача уч юз грамм келади. 15 ёшдан 50 ёшгача юрак бир дақиқада 70 маротаба тезлик билан уради. Бир йилда яна тезрок: 125 тагача, 60-80 ёшлар орасида юрак ўз ҳаракатини ошириб бориб, тахминан 79 тагача уради. Ўртача олганда бу соатига 4-5 минг ва кунига 108 минг марта деганидир. Велосипед ҳайдовчининг юраги спорт билан шуғулланмайдиган одамникига қараганда икки марта катта бўлиши мумкин, яъни 750 ўрнига 1250 куб см. Оддий режимда юрак соатига 360 литр, бутун ҳаёт давомида эса 224 млн. литр қонни ҳайдайди. Бу дегани Сена дарёсининг 10 дақиқада оқадиган сувига тенгдир.

Неча марта нафас оламиз: гўдакларнинг нафас олиб чиқариш маромн бир дақиқада 35 мартани ташкил этар экан. Ўсмирларда - 20, катта кишиларда - 15. Бизнинг нафас олиш маромимиз ўртача қуйидаги кўрсатичга эга: соатига минг марта, яъни кунига 24 минг марта, ёхуд йилига тўққиз миллион.

Ёш ўтган сари... Ёш ўтган сари мия оғирлиги камаяр экан. Йигирма ёшда мия оғирлиги ўртача 1,4 кг. келади. 70 ёшда 1,3 кг, 80 ёшда 1,2 кг. Шуниси диққатга сазоворки, мия ўлчами билан ақл ўртасида боғлиқлик йўқ. Тургеневга қарашли "компьютер" (яъни қалла) оғирлиги - 2,012 кг.га эга эди. Анатоль Франсда эса 1,017 кг. Тана бутун асаб толаларининг 4/3 қисми бош мияда сақланади. У 75 ёшгача катталашади. 15 ёшдан то 25 ёшгача фаоллашади. 45 ёшдан эса орқага қараб, кичрая бошланади.

...ВА БАРМОҚЛИ

Бу бола аллақачон кексайиб, ёшини ошини ошаб, ўтиб кетган 29 Лондоннинг шимолий қисмида яшаган боладаги ғаройиб бармоқлар ҳақида олимлар кейинчалик хабар топишди. Унинг қўлларида 29 та, оёқларида 15 та бармоқ ва панжалари бор эди. Замбези кўли атрофларида ва Калахарии саҳросида эса бор-йўғи 2 бармоқли одамлар яшайдилар. Уларнинг оёқларида ҳам 2 тадан панжалари бор, аммо улар узоқ саёҳатларга чиқишда, катта масофаларга югуришда одатдаги 5 панжали одамлардан 2 баробар кучлидирлар.

МЕХРИБОН "ОТА" ҚУШ

Орамизда шундай одамлар борки, аҳли аёли бирин-кетин қиз фарзанд кўрса, туғруқхонага боришга, ўз мевасидан хабар олишга жазм этмайди. Бундай одамлар баъзи қушлардан, айтайлик каркидон қушдан ўрнак олса арзийди. Каркидон - қуш тумшуғи баҳайбат бўлгани учун Каркидон қуш, деб аталади. Бу парранда Ҳиндистон ва Малакка ярим ороллари да тарқалган. Унинг макиёни тухумни дарахт ковагига қўяди. У тухум босишга ўтиргач, эркак қуш ковакнинг оғзини, фақат макиённинг тумшуғи сиғадиган тешик қолдириб, лой билан суваб ташлайди. Эркак қуш ковак олдига учиб келганда макиён оғзини очиб, тешикдан овқат қабул қилади. Ковакни суваб қўйишининг сабаби шуки, тропик ўрмонлардаги сон-саноқсиз илонлар, ваҳший ҳайвонлар макиёнга ва инга ҳужум қилишлари мумкин.

Саҳифани М. МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

Сирли атир

ҲИКОЯ

Аёлни эшик қўнғироғининг жиринглаши уйғотди. Тонг ёриша бошлаганди. "Дилшод келди шекилли", - деб ўйлади у ва эри томонга хавотирланиб қараб қўйди. Бошига дурра танғиди, юзини чала-чулпа ювиб, эшикни очди. Ҳақиқатан ҳам вилоятдан Тошкентга келиб-кетиб савдо-сотиқ қиладиган жияни турарди.

- Кел, - йўл бўшатди у, қўли билан ишора қилди, - ўтавер.

Жиян қўлидаги халтасини йўлакда қолдириб, одатдагидек ошхона томонга юраркан:

- Уйғотвормадимми? - деди, гапи оҳангидан ҳижолат чекаяптими ёки Аёлнинг ҳозиргача ухлаб ётганини писанда қилаяптими, билиб бўлмасди. - Кеча пешиндан кейин келгандим.

Тор ошхонанинг бир бурчагида газ плитаси, қарама-қарши томонга кўрпачалар тўшалган, ўртада - эри шу ерга мослаб ясаган хонтахта. Жиян ўрнашгач, аёл унинг қаршисига омонат ўтиб опаси, поччасининг соғликларини сўради. Кейин чой қўйиб, дастурхон ёзди.

Нонушталик тайёрлаб берди-да, болаларни уйғотишга кирди. Ҳар куни кўзларини очмасданоқ: "Бугун боғчага бормайман!" - деб инжиқлик қиладиган қизчаси, ўғилчасини ўриндан турғазиш, ҳаракалай, осонроқ кечди. Болалар меҳмоннинг дарагини эшитиб ошхонага мўралашга шошишди.

Кичкиналар юзларини ювиб катталар даврасига қўшилишгач, уйнинг ҳавоси бир оз енгиллашгандек бўлди - савол-жавоб қизиди.

Эр ишга шайлана бошлагач, жиян ҳам ўрнидан турди. Ўзи кўтариб келган халтадан яна кичикроқ чиройли халтачага солинган нарсани олди-да, холасига узатди:

- Кеча пешиндан кейин келгандим. Фирмасига бориб, тўртта француз атри олдим, йигирма мингдан сотаман, ўз нархига беш-беш қўйиб, кўрай-чи. Бугун яна у-бу нарса қараб кўраман. Атирлар ҳозирча сизларникида турсин, олиб кетаман.

Аёлнинг кўзлари ҳайратга тўлдими, ўн минг сўмлик атирлар борлигини эшитган, аммо йигирма минг сўмлигини ҳали умрида кўрмаганди. Шошилиб ўровни очди: мовий рангли гумбаз шаклидаги тўртта қутича. Усти томонида чақилган-у, аммо оғзи юмуқ пистаникига ўхшаш бир чизиқ, шу ердан очиларкан. Аёл беихтиёр бир қутичани очмоқчи бўлди.

- Очилса, янглишига ишонишмайди, - изоҳ берди жиян.

Суҳбатни чала-ярим эшитган эр ҳам қизиқсиниб атирни кўргани яқинлашди.

- Биттасини олиб беринг, - қутилмаганда эрига қаради Аёл. - Жияним биттасининг фойдасидан кечади, ўз нархига беради!

Аёлнинг бу гапни айтиш учун топган журъати худди қўшиқ куйлашга нўноқ бўлса-да, э-э, нима бўлса бўлди, деб даврага шаҳдам чиқиб илк бор қўшиқ бошлаб юборган одамнинг ҳолатига ўхшарди.

Эр ҳам, жиян ҳам қулишди.

- А-а? Олиб беринг! - умид билан қайтарди Аёл.

- Бу атирни сепиб қаерга борасан? Шусиз куннинг ўтмайдими? - рад этди эр ва қўшиб қўйди, - олавер пулинг бўлса!

- Пулим йўқ-ку... Шартми бирор жойга бориш... - ўксинди Аёл ва шу гапни айтишга ҳадди сиққанидан кўнгли кўтарилгандай яна қайтарди. - Олиб беринг!..

Эркаклар индашмади, кетишди...

Аёл болаларини боғчага ташлаб келибоқ яна атирлардан бирини қўлига олди. Тавба, ташқарига ҳидиям чиқмайди. Қанақайкин, шишаси, қопқоғи-чи?

Атирларни кийим шкафнинг ён томонидаги токчаларнинг энг устки-сига терди, биттасини ичкарироққа суриб қўйди...

Ишхонасидаям ғалати, сархушга ўхшаб юрди. Чиройли сумкасининг ичидаги ундан ҳам чиройли сумкачасида антиқа упалару лаб буёқлар, қошу қовоқларни бўяйдиган пардоз қутича, хушбўй атир олиб юрадиган ҳамкасбининг олдига кириб ўзича гап очди:

- Қўшнимга йигирма беш минг сўмлик атир олиб келишибди, фирмасида йигирма минг сўм экан. Қиммат эмасми?..

- Йигирма беш минг сўмлик атириям мол деб кўтариб юришибдими? - кулди ҳамкасби.

Кечқурун жияни келмади, бирор танишникида қолди шекилли. Эртасига эрталаб ҳам уйда атир ҳақида гап бўлмади. Лекин, аёлнинг кўнглига бир сеҳрли нур кириб олгандай эди. Болаларининг қайсарлигу инжиқликлари ҳам, тор хонада тиқилишиб ётган рўзғорнинг тақир-туқур буюмлари ҳам, юқори қаватдаги кампир сув оқизаверганидан ола-була бўлиб кетган деворлар ҳам ҳар кунгидай юрагини сиқмасди. Эртасига ҳам болаларини боғчага ташлаб келгач, мовий кутичалардан бирини олиб томоша қилди, хуш кайфиятда ишга кетди.

Ишдан қайтгач, беихтиёр шкафнинг эшигини очди... Кўкрагида бирдан оғриқ пайдо бўлдими ёки олдиндан оғриқли жой бормиди... Ана шу оғриқни бир бешафқат нарса эзғилагандай бўлди - бағри бетоқат жизиллаб бутун жисмига ёйила бошлади — атирлар йўқ эди...

Демак, эри ишдан келиб болаларини олгани боғчага жўнамасидан олдин жияни келган ва атирларнинг тўртталасини олиб кетган. Эри олиб берган, жияни олиб кетган.

Аёл ақлини таниганидан буён, эҳ-ҳа, қанча-қанчалаб кўз ёшлар тўкди. Биров бировга яхшилик қилса ҳам, кўз ёшларини тиёлмайди; қаттиқ тугунча қилиб қўл етмас жойга ташлаб қўйган, нимагадир тугунчанинг қутилмаганда қўлига илиниб қолишидан қўрқади. Кўнглининг туб-тубида ҳам бир тугунча бор эди: унда Аёлнинг ўзи билан туғилган, ўлгунча бирга яшайдиган туйғу-эркалиги тугиб ташланган эди. Қачон уни ўраб-чирмаган, қачон дилига яширган-билмайди. Аммо кечаги атирни илк бор кўрганда ўша тугунчани эрининг олдида беихтиёр ечиб қўйган экан...

...Тўпалон билан болалар, эри кириб келишди. Қизи этагига осилди:

- Аяжон, эртага дам олишми?

- Йўқ... - қизининг соядa ўсган райҳондай рангсиз юзига қарахт тикилди аёл.

- Ҳалиям овқатни бошламадингми? - сўради эр. Хотини на сўз, на ҳаракат билан жавоб қайтармагач, яқин келди:

- Нима бўлди?

Худди шуни кутиб тургандек, Аёлнинг тошдек қотиб қолган бағрига, аламли кўзларига дарё қуйилиб келди. Билади-гапиришнинг фойдаси йўқ. Агар гапирса, эри уни хотинларга хос калтафахмликда айбламайди, ҳар кимларга тақлид қилавермаслик ҳақида узундан-узоқ гапиради, битта арзимаган атирни деб ўзиниям, ўзгаларнинг ҳам таъбини хира қилгани учун тутоқади. Аёл шу пайтда бир ҳоли, ўзини ҳаммадан яширадиган бурчаги, хонаси бўлишини шу қадар истадики! Қанийди, шу лаҳзада ҳеч кимга кўринмаса!

Кўзларини қўли билан сидирганча, шошилиб ювиниш хонасига кирди ва эшикни ичкаридан беркитиб олди. Эрининг қаҳрли сўзлари, дашномлари, дўқлари, тушунтиришларию насиҳатлари, ниҳоят, тинди. Аёл йиғлади, йиғлади... Аммо илгаридагидай кўз ёшлар билан кўнглини юмшата олмади. Бағри ҳамон жизиллаб оғрирди.

- Аяжон, очинг, менинг ишим бор, - деб ўғли эшикни бетоқат урди.

Аёл иложсиз эшикни очди, ўғлини ҳожатга ўтказди. Бир оғир гуноҳ елкаларидан босиб бечораҳол бўлиб қолган одамдай судралиб ошхонага кирди, қозон осди. Орқасидан эрининг шарпаси сезилгач, яна йўқ бўлиб қолишни истади. Эри аёлнинг елкасига қўлини қўйди:

- Хафа бўлма, мен айтаман, кейинги сафар сенга ҳам олиб келиб беради ўша атирдан...

Аёл ёнида нима қиларини билмай турган эрини бу ҳолатдан қутқаргиси келарди, ўзига инсоф тилар, кўнглини йўлга солмоқчи бўларди, лекин бу гал нимагадир сира бунинг уддасидан чиқолмасди. Жияни келгувчи сафар атир олиб келишини ва... эри уни ўзига совға қилишини кейин... саратоннинг энг узун кунида ҳам бир чизиқ нур тушмайдиган мана бу хонанинг дераза-сидан ўша атирни пастга отиб чил-чил синдиришни ва... сочилган атирни босиб ўтганича кетишни истарди...

Муҳтарама УЛУҒ.

СЎНГГИ ЁЛҒОН

Турмуш сабоқлари



(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ёдгор бу ноқонуний ишини ниҳоятда махфий олиб бориши ҳақида ҳам гапирди. Манзура ўйланиб қолди. Ёдгордан бу ишларини тўхтатишини илтимос қилди. Ўрнига кичик корхона очишини ўтиниб сўради - эртага унинг ҳаётига "тугун" тушишидан қўрқди. Ёдгор севгилисининг гапларига қулоқ солди - иккита кичик фирма сотиб олди. «Манзурага уйлангач, икковлашиб фирмани юритамиз!»- деб ният қилди.

Ёдгор Манзура билан вақт қандай ўтганини сезмасди. У илк бор бахтнинг суруридан маст эди. Унинг жиддий нигоҳларида майин табассум пайдо бўлди. Ҳаётга бошқача назар билан қарай бошлади.

Манзура Ёдгорнинг кўнглида сақланиб келаётган адоват оловини ҳам ўчиришга муваффақ бўлди. Йигит оила қуриш, фарзанд кўриш ва меҳрибон ота бўлишни орзу қила бошлади. Қиз ҳам йигитнинг бахти учун ҳамма нарсага тайёр эди. У ота-онасига Ёдгор ҳақида гапирди ва унга турмушга чиқмоқчилигини қўшиб қўйди. Ёшлигидан қизини эркалатиб ўстирган ота-онанинг бунга кўнмасдан бошқа чораси қолмаганди.

Бу орада тўсатдан йигитнинг йўлида рақиб пайдо бўлди. Бир куни уч йигит Ёдгорнинг йўлини тўсди. Улардан бири: "Агар Манзурадан кечмасанг, оёқ-қўлингни синдирамиз", - деб Ёдгорга дўқ-пўписа қилди. Шу пайт Ёдгорнинг ёнига етиб келган қўриқчилари йўл тўсарларни ўлгудек дўппослашди. Безорилар зўрға қочиб қутилишди. Бу зўравонларнинг бири катта бойваччанинг ўғли бўлиб, Ёдгорга анча хавфли рақиб эди. Чунки у ҳам Манзурага ошиқ эди. Йигит уни йўлдан олиб ташлаш учун оддий ва эски усулни танлади. Ўғриликни уюштириб, сохта гувоҳлар билан Ёдгорни қаматмоқчи бўлди. Аммо ниятига етолмади. Чунки бу усул Ёдгорга анча таниш эди. Шунинг учун нима қилишини биларди. Лекин Манзурага: "Ёдгор аканг ўғрилик қилгани учун қамалди", - деган хабар етиб борди. Манзура дарҳол Ёдгорнинг уйига сим қоқди. Ҳеч ким гўшакни олмагач, қизнинг ҳавотири янада ошди. У тезда машинасига ўтириб, қамоқхонага шошилди. Қиз хаёл билан қизил чироқда ўтиб кетиб, ён томондан келаётган машинага урилиб кетди. Қизни касалхонага олиб келишганда, у беҳуш эди. Шифокорларнинг уриниши бекор кетди. Манзура бу фоний дунёни тарк этди...

Ёдгор касалхонага етиб келганда, Манзурани аллақачон ота-онаси олиб кетишганди. Севгилисининг ўлими Ёдгорни гангитиб қўйди. У тилдан қолди.

Бундан хавотирга тушган қўриқчиси Даврон Ёдгорни тоққа - дала ҳовлига олиб чиқиб кетди. Унга тоза ҳаво ёрдам берар, деб ҳар куни тонгда қир-адирларни сайр қилдирарди. Бу бироз фойда бергандек ҳам бўлди. Ёдгор аввалгидек гапира бошлади... Аммо хаёли паришон эди...

У эрталаб ёлғиз ўзи қип-қизил лолалар билан безалган қирга сайрга чиқди. Ёдгор лолалар оралаб юраркан, кўз олдидан севгилиси - Манзура ўтди. Шу пайт орқадан кимдир: "Ёдгор Асилбеков!" - деб чақирди. Ёдгор овоз келган томонга қаради. У тарафдан кетма-кет отилган ўқ Ёдгорни лолалар узра йиқитди.

Ногаҳон ўқ овозини эшитган Даврон жон ҳолатда унинг ёнига югуриб келди. Қизил қонга беланган Ёдгорни ерда кўриб: "Нега! Нега ўзингизни отдингиз?" - дея "дод"лаб юборди. Ёдгор оғриқдан бир ингради-ю, сўнг маҳзун жилмайди: "Мен ўзимни отмадим... Лекин айни муддао бўлди..." - деганча Манзуранинг ортидан боқий дунёга равона бўлди. Бу дунёда ором топмаган жон эҳтимол энди ором топар...

Пешонада қанча савдони,
Ёдгор кўрди ташвиш-ғавғони.
Икки ёшни олиб кетди-ку,
Бу тақдирнинг сўнгги Ёлғони!

Акбар ХОЛМАТОВ.

"Дил изҳори"нигизни ўқигандик

ОБЗ

АТИРГУЛ

Ушбу дил изҳорининг муаллифи М. исмли қиз ўзи тушларида кўриб, излаган илк севгисини ниҳоят топганди. Кейин эса... Кутилмаганда унинг изини йўқотди. Афсуски, қизда севгилисининг на турар жойи-ю, на ишхонасининг манзили бор эди... М. йигитнинг келишидан умидини узганди. Аммо, юраги эса ҳижрондан тилкаланаверди. Охири у севгилисини излаб топишга қарор қилди. Таҳририятимизга келганда, унга ёрдам беришга ҳаракат қилдик. Йигитга аталган мактубини олиб келди. Биз мақолани "Илк севгининг қувончу, ҳижрони ҳам чиройли бўларкан!" сарлавҳаси билан чоп этдик. Бироқ, йигитдан дарак чиқмади. 2004 йилда М. яна таҳририятимизга келиб, ҳамон йигитни излаётганини айтди.

Янги йил арафасида М. таҳририятимизга келиб, Шердилнинг дарагини топганлигини, бошига мусибат тушганлигини айтди. Шу боис Шердил М.нинг олдига кела олмаган экан. Сўнг, ўзига билдирмай унинг олдига бориш учун тайёргарлик кўраётганлиги ҳақида гапириб берди.

Яқинда у яна келди. Бу гал М. хурсанд эди. Қиз Шердилни топиб гаплашганини, насиб бўлса тўйлари бўлиши ҳақида сўзлади. М. ўз севгиси ҳақида дилидан ва бошидан кечирганларини ёзиб келибди. Бу муҳаббат тарихини эса мухлисларимизга ҳавола этишни маъқул топдик.

(Муҳаббатга ишонмаганлар ўқимасин)

Бир пайтлар, тўғриғи 1996 йилнинг ёзида бир туш кўрдим. Тушимда текис асфальт йўлнинг бошида турганмишман. Йўлнинг тепалик қисмида қуёш нур сочиб турганмиш. Ўша жойга қараб: "Қачон етаман-эй", - деб турганимда раҳматли Меҳри бувим (онамнинг оналари)нинг: "6 йил юрасан, 6 йил..." - деган овозлари эшитилди. Шундан кейин чўчиб уйғониб кетдим. Ўшанда бу тушимдан ўзимча ҳикмат излаган эдим. Бугунги ақлим билан айтадиган бўлсам ўша пайтлари қолиб кетган ўқиш, бузилган оила, ишсизлигим ва қўлимда ҳунарнинг йўқлиги, умуман олганда кўнгил бесаранжомлиги ҳамма-ҳаммасининг кейинчалик яхши бўлиб кетишига ишора экан. Худога шукрки, ҳаммаси яхши бўлиб кетди.

Оқ атиргулим! Энг катта ютуғим - Сизни учратганим! Бундай дейишимнинг ҳам ўзига яраша сабаби бор, албатта. Бу ҳам ўзим кўрган туш билан боғлиқ. Сизни 3 йил аввал тушимда кўрган эдим. Балки ишонмассиз. Ўшанда бутун вужудим титраганча уйғониб кетгандим. Афсуски, тушда кўрилган одамнинг на исми, на турар жойи маълум бўлади. Мен энди сизни ўзимга маълум бўлган ҳолатлар бўйича излашни бошлаган эдим. Яъни... Мен ЎША билан ўриндиқда ўтириб гаплашишим, у эса нимадандир таъсирланиб қўлини иягига қўйиши керак эди. Бундан ташқари йўл-йўл чизиқлари бор оқ кўйлак кийган бўлиши менга маълум эди, холос.

Шундан сўнг мен ҳамма тўй-зиёфатларга борадиган, уларнинг бирортасидан қолмайдиган бўлдим. Чунки, сизни ўша жойлардан топсам керак, деб ўйлардим. Мендан ўзгаришни нафақат ўзим, балки бошқалар ҳам сезишди. Муҳаббат таъсириданми кўзларим қувончдан аллақандай порлаб турарди.

Оқ атиргулим! Бугун мени бу гапларимни ўқиб туриб: "Мен ҳақимда ҳеч нарса билмасанг, қандай қилиб изладинг, ахир?" деб ўйларсиз?! Тўғри, мен юз тузилишингизни ғиришира эслаганим билан ҳеч бир иш қила олмадим. Орадан ҳафта, ой ва йиллар ўтди. Мен бу орада Сизни топа олмасдан яна "асл" ҳолимга қайтган эдим. Энди ўзим ҳам, кўзларим ҳам ҳамма нарсага бепарво эди. Агар уйга совчилар келса: "Ўшамикан?!" - дея ўйлардиму, учрашгач эса... Чунки, мен кўрган йигитларнинг бўйи баланд ёки паст бўлар, оқ-сариқдан келган ёки сочлари кўнғир бўлиб чиқарди. Улардан айримлари худди Сиздек ўрта бўйли, қош-кўзлари ва сочлари қуюқ қора бўлсада, юрагим "танимас" эди. Бундан ташқари мен улар билан қаерда ва қай ҳолатда гаплашишимга қаттиқ аҳамият берардим. Аммо улардан ҳеч бири билан ўриндиқда ўтириб гаплашмасдим. Шу билан биргаликда менинг "муз" юрагимни эритган ўшани кўрганимда юрагим менга сездиришини ичимдан ҳис қилардим!..

Эсингдами, биз гаплашиб юрган кунларимизда иккита воқеа бўлиб ўтган эдики, у жуда ажабланарлидир. Биринчиси...

Ўша куни ҳиёбонда айланиб юрган кезларимда Сиз гаплашиб ўтириш учун таклиф қилдингиз. Кейин менга қараб:

- Менга қара, жиддий гаплашиб олишимиз керак, - дединг.

- Бизни биров кўриб қолса...

- Нима бўлади? - дединг жаҳл билан.

- Ўзи, айтаман-да.

- Яна нималарни айтасиз?

- Сиз мени ким ва қанақалигимни билмайсиз-ку, тўғрими?

- Мен сени жуда яхши биламан! Кимсан, қанақасан, бу ерга нима мақсадда ва кимни олдига келасан... ҳаммасини биламан, - деб мен кутмаган нарсаларимни аниқ-аниқ қилиб гапирдингиз.

- Менга турмушга чиқасанми?

- ...Йўқ!

- Тўғрисини айтаяпман, гапларимга ишон!..

- Мен... мен турмушга чиқиб ажрашиб кетганман-ку, ахир!

- Биламан, ҳаммасини биламан.

- Лекин уйдагилар Сиздек уйланмаган йигитга бошқа қизни олиб бериш...

- Сизга нима десам экан? Мени кечиринг, алдаган эдим. Лекин қачонгача алдайман! Барибир бир кун айтишим керак-ку, тўғрими?! Биринчидан, исмим Фарруҳ эмас, Шердил. Иккинчидан, уйланганману, ҳали расман ажрашмаганман. Учинчидан, ўғлим бор!..

Сизнинг бу гапларингиз мен учун янгилик эди. Шунинг учун Сизни ёлғончиликда айблаб қаттиқ уришиб кетдим. Сабаби илк учрашувимиздан кейин ўзимни ажрашган аёлу, Сизни уйланмаган йигит эканлигингиз учун ўзимни Сизга муносиб кўра олмай... аламдан уйга бориб роса йиғлаган эдим-да! Кўнглимдаги инсонни учратганимда бундай бўлиб чиқиши мен учун қаттиқ зарба бўлган эди. "Ўша-ку! Эй, Худо! Нега кўнглимдаги одамни топганимда бундай бўлаяпти?! Энди нима қиламан? Ахир бундай бўлиши мумкин эмас! Эҳ, Фарруҳ! Агар ўзимга ўхшаб ажрашган бўлганингда эди - сенга турмушга чиқардим", - деб роса йиғлаган эдим. Бугун эса... ҳатто ўғлингизни исми Иброҳим бўлишигача кўнглимдаги қайсидир орзуларга мос эди...

Яна бир воқеа эса мени қаттиқ довдиратиб қўйган эди, яъни икинчиси.

Сиздан чиққан "янгилик"дан ўзимча жаҳлим чиқиб, ўрнимдан турайёттандим, қўлимдан ушлаб ўтқизди-да, сўнг менга сездирмасдан ўзимни ўнглаб олишимга имкон берди. Ўзимни ўнглаб олгач, ўрнимдан туриб, ҳеч нарса бўлмагандек, ўзимни ўнглаб олишимга имкон берганингиз учун раҳмат айтиб, хайрлашиб кетдим. Ўшанда Сиз менга:

- Ҳали кўришамиз, - дединг.

Шу ҳолатда уйғониб кетган эдим. Ҳа, ўшанда тожибарглари тип-тиниқ, шудринглари мусаффо бўлган оқ атиргул, яъни сизгача бўлган йўлим "атиргулзор" бўлганлигини бугун ҳамма англаб тургандир.

Ўша келишилган куни сиздан дарак бўлмади. Бир, икки, уч соат ўтса ҳамки, келмадингиз. Аҳволимни эса тушунтирмасам ҳам бўлади. Орадан нафақат кунлар, ҳафталар, балки ойлар ўтса-да келмадингиз. Ҳа, биз бир-биримизни йўқотиб қўйган эдик. Мен (сиз ҳам) буни истамасдим, албатта. Шунинг учун орадан 6 ой ўтганидан кейин мен сизни излаб топиш учун астойдил ҳаракат қила бошладим.

Оқ атиргулим! Эсингиздами, доим сизни: "Мени яхши кўрасанми?" - деган саволингизга "Йўқ!" - деб айтардим. Қайта-қайта сўраган пайтингизда эса аввал индамай туриб, кейин: "Яшайверсак - кўрамиз!.." - деб жавоб берардим. Тўғриси, мен бу саволингизга умримнинг охиригача шу тарзда жавоб беришни ният қилган эдим. Аммо, ҳамма вақт ҳам кўнгил истакларига ҳаёт ҳақиқатлари тўғри келавермаслигини чуқур тушундим. Чунки, бир-биримизни йўқотиб қўйган пайтларимизда ўша саволингизга: "Ҳа!" - деган жавобимни амалда кўрсатишимга тўғри келишини билмаган эканман.

Бугун энди бизнинг чинакам бахтимиз шундаки, Худо хоҳласа биз қурадиган оиланинг ортида кўз ёш тўкадиган аёл ёки сарсон бўладиган норасида гўдак йўқ... Менинг бу гапларим яхши маънода, албатта.

(Давоми бор)

М.

БОШИНГИЗДАГИ... "СИЛКИНИШ"

Инсоннинг мияси жуда ғаройиб тузилган бўлиб табиат бу ноёб аъзони имкони борича асраб-авайлаб яратган. Яъни, у махсус суюқликдан ташқари қаттиқ мия қобиғи билан ҳам ўралгандир. Лекин техника ривожланган жамиятда инсоннинг бу ноёб ва энг муҳим аъзосига турли миқдорда оғирлик тушади, шунингдек, ҳалокатлар туфайли аввало мия зарарланади. Шулардан бири мия чайқалишидир. (сотрясение мозга) Эҳтимол бу баъзиларга оддий бир нарсадек туюлиши мумкин, аммо, бунинг оқибати жуда оғир кечади.

ТАШҲИС ҚЎЙИШ ОСОНМАС...

Миянинг чайқалиши йиқилиш, қаттиқ урилиш, ҳатто исталган автомашинангизнинг бирданига секинлашиши ёки тезлашиши оқибатида ҳам юз бериши мумкин. Кескин урилиши пайтида мия ўзининг ҳар доимги ҳолатидан чиқиб миянинг қаттиқ қобиғига урилади.

Бунда миянинг нозик молекуляр тўқималарининг ишлаш фаолияти бузилади. Кўп тиббиётчи олимларнинг айтишича бу пайтда мия тўқимаси билан қон томирларининг тенглиги бузилиб, у турли асоратлар келтириб чиқаради.

Масалан, мия жароҳатланиб қон томирларининг ёрилиши миянинг қўшимча озиқланиши жараёнида қўшимча мураккаб вазиятларни юзага келтиради. Бунинг натижасида эса касалликни даволаш ва касалликдан сўнг тикланиш жуда узоқ чўзилади.

ТАШҲИС ҚАНДАЙ ҚЎЙИЛАДИ?

Мия чайқалишини ўзига хос белгиларига қараб аниқланади. Бундай пайтда беморнинг ҳушдан кетиш ҳолати бир неча секунддан ёки бир неча соатгача чўзилиши мумкин. Лекин, мия чайқалганда ҳушдан кетмаслик ҳолатлари ҳам учрайди.

Бу ҳолат хотиранинг сусайиши ёки воқеаларни аралаштириб юбориш билан аниқланади. Баъзан инсон мияси жароҳатлангач, ўзи яшаган вақтдаги воқеаларни бутунлай унутиб қўяди. Унинг яна бир белгилари шундай, беморнинг кўнгли айнийди, қусади, ранги оқариб кетади. Боши оғрийди, қулоқлари шанғиллаб, ҳолсизланади. Жароҳат олингандан кейинги дастлабки соатларда шифокорлар одатда бемор кўзининг қорачиқларини текшириб кўришади. Чунки, бу вақтда улар кенгайиб кетиши ёки торайиши мумкин.

Миянинг пастки қисмидан жароҳатланиш жуда хавфли бўлиб, оғир ҳолатларни келтириб чиқаради. Умуртқа миясининг (спинной мозг) билан қўшилган қисми. шикастланса, нафас олиш қийинлашиб, томир уриши ниҳоятда тезлашиб кетади.

МУҲИМИ - ОСОЙИШТАЛИК

Мияси чайқалган, деб гумон қилинган бемор учун биринчи навбатда осойишталик зарур. Сал қоронғилаштирилган хонага беморнинг бошини салгина баланд қилиб ётқизиб қўйилади. Мияси жароҳатланган киши учун унинг хотиржамлигини ва тинчлигини таъминлаш айнан асосий даво ҳисобланади. Беморнинг албатта ўринда ётиб даволаниши жуда муҳимдир. Бу бир неча кундан бир неча ҳафтагача давом этиши ҳам мумкин.

Беморнинг бошига ҳўлланган сочиқ ёки муз тўлдирилган грелка қўйиш ва шунингдек, кўпроқ суюқлик ва ширин чой бериш тавсия этилади. Бироқ, спиртли ичимлик бериш мутлақо таъқиқланади.

Агар бемор хушдан кетган ёки қўрқувдан ўзини йўқотиб қўйган бўлса, шифокор етиб келгунча унинг нафас олишини ва юрак уришини кузатиб туриш, зарур бўлса, юрагини уқалаб суньий нафар олдириб турилади.

Хуллас, мияси чайқалган киши то тузалгунча бутунлай осойишта ҳолатда бўлиши шарт. Унга китоб ўқиш, телевизор кўриш, мусиқа эшитиш ман этилади. Одатда жароҳат олгандан кейинги биринчи кунларда беморнинг уйқуси келаверади. Бу табиийдир. Чунки жароҳатланган мия дам олиб тузалишга харакат қилади. Заурат туғилгандагина шифокор оғриқни қолдирувчи, ухлатувчи дорилар ёзиб беради. Мия шишишининг олдини олиш учун сийдик ҳайдайдиган ва бўшаштирувчи воситалар белгилайди.

Жароҳат оғир асоратлар қолдирмаслиги ва ташҳис тўғри қўйилишини таъминлаш учун шифокор бемордан дарҳол (агар у хушидан кетмаган бўлса) унинг ўзини қандай ҳис этаётганлиги ҳақида сўраб, вазиятни белгилайди.Шунга қараб бош мия қобиғи рентген суратига олинади. Агар анча жиддий жароҳатлар кузатилса албатта, невролог билан маслаҳатлашиб даволашни бошлайди.

Яъни, электроэнцефалография, мия томография сурати, бош мия томирлари допплерографияси, шунингдек бош мия фаолияти билан боғлиқ умуртқа муаммолари ҳам текширилади.

Зарур бўлса умуртқадан томографияси (спинномозговая пункция) олинади.

ДИҚҚАТ! АСОРАТ ҚОЛИШИ МУМКИН!

Агар бош мияси жароҳатланган бемор вақтида даволанмаса ёки даволанишдан воз кечса бунинг оқибати ёмон бўлади. Келажакда эса умуман даволаб бўлмайдиган касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бош мия жароҳати олган бемор камида икки ҳафта ўринда ётиб даволаниши шарт.



Бош айланиб кўнгил айниши,тез чарчаб қолиш, қусиш енгил жароҳат олиш белгилари ҳисобланса-да, анчагина оғир касалликларга - асаб бузилиши, зўриқиш, уйқусизлик ўзини тута олмаслик каби ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, бемор юқумли касалликларга, спиртли ичимликларга мойиллик, сурункали бош оғриғига мубтало қилади.

Ўз саломатлигига эътиборсизлик, совуққонлик қилиш оқибатида пайдо бўлган касалликлар қаторига, кейинчалик тутқаноқ,кўзга ҳар нарсаларнинг кўриниши (галлюнация) руҳий бузилишлар, хотиранинг заифлашиши каби касалликлар ҳам қўшилади. Шунинг учун бош мия жароҳатининг оғир ёки енгил кўринишига қарамасдан ўз вақтида ва тўлиқ даволаниш зарур.

Бош мия жароҳатланганда қуйидаги халқона усуллар билан ҳам даволаниш фойдалидир.

■ Икки чой қошиқ далачой (зверобой) ўти устига бир стакан совуқ сув қуйилгач, қайнатилиб бир неча минутдан кейин сузиб олинади. Бу аралашмани кунига 1/3 стакандан 3 маҳал, овқатдан олдин ичилади. Ушбу муолажани бир неча ҳафта қилинади.

■ Шунингдек, бир ош қошиқ ялпиз устига бир стакан сув қуйилиб 10 минут давомида қайнатилади. Уни 1/2 стакандан эрталаб ва кечқурун овқатланишдан олдин ичиш тавсия этилади.

БИР ДАҚИҚА МАШҚ ҚИЛИНГ!

Баъзан эрталабдан кечгача бош кўтармай ўтириб ишларкансиз, танангизнинг қотиб қолганини ҳис этасиз. Ишхонада бироз машқ қилиб қилиб бўғинларни харакатга келтириб олиш эса кўп вақт талаб этмайди.

Бу оддий машқларни иш пайтида аёллар хонасида 5 дақиқа давомида бажарсангиз, танангиз жуда катта қувват олади ва тетиклашасиз.

Ҳаракатларингиз сизга катта фойда келтиришини истасангиз аввало машғулот ўтказадиган хонани ёки роз шамоллатишингиз, 1/2 стакан миқдорида қайнатиб совутилган совуқ сув ичиб олишингиз керак.

Машғулот олдидан қуйидагиларга амал қилишингиз зарур. Яъни, бир соат олдин овқатланган бўлишингиз ва машғулотларингиз орасида ҳам бир соат фарқ бўлиши керак.

"ЎТИН ЁРИШ"

Оёқларингизни кенг қўйиб, қўлларингизни панжаларингизни жипслаштирган ҳолда юқорига кўтаринг. Кафтларингизни бир-бирига куч билан босинг. 1 дан 20 гача санаб,сўнг бўғинларингизни бўшаштиринг-да, ушбу машқни **10 марта** қайтаринг.

"ҚУЛФДАГИ КАЛИТ"

Елкаларингизни тик тутиб тўғри туринг.Ўнг қўлингизни мушт қилиб бурнингизнинг олдига олиб келинг. Сўнг бошингизни ўнг ва чап томонга беш мартадан айлантиринг. Бу бўғин томирларингиздаги қон айланишини яхшилайди.

"КАРАТЕЧИ"

● Девордан беш метр нарида турган ҳолда кафтларингизни олдинга узатинг. Қўл ва белларингизни тик тутинг. Куч билан гўё қаршингиздаги деворни йиқитишга харакат қилинг. 1 дан 10 гача сананг-да, ўзингизни бўш қўйинг. Машқни **12 марта** такрорланг.

● Айнан шу ҳолатда туриб қўлингизнинг панжаларини бир-бирига қаратиб тирсакларингизни букиб очинг. Бу машқни 12 марта бажаринг.

● Панжаларингизга тиралган қўйи кўпроқ эгилинг. Гўё олдингизда турган тўсиқни босинг ва 10 гача сананг.Сўнг ўзингизни бўш қўйинг. Ушбу машқни 15-20 марта орада танаффус билан бажаринг.



"ШИШАДАН СУВ ИЧИШ"

Тик туриб елкаларингизни текисланг. Сўнг қўлингизни мушт қилиб бурнингизга тутинг.Бошингизни олдинга қараб энгаштиринг.Шу ҳолатда туриб бошингизни ўнгга ва чапга қараб беш мартадан айлантиринг.

"АСКАРДЕК ТИК ТУРИШ!"

● Деворга шундай суяниб турингки, бел, қуймич ва кафтларингиз тик ҳолатда бўлсин. 10 гача санаганҳолда кафтингиз билан гавдангизни олдинга итаринг. Шундай итарингки, гавдангиз тик ҳолда қолсин. Бу машқни тинимсиз 15 марта такрорланг.

● Юзингиз ва гавдангиз билан деворга ёпишиб туринг. Кафтларингиз ва елкангизни куч билан гўё олдингизда турган тўсиққа босинг.Сўнг бўғинларингизни бўшаштиринг. Бу машқ 15 марта такрорланади.

"ТАЪЗИМ"

Оёқларингизни елка кенглигида қўйинг. Қўлларингизни бошингиз узра кўтаринг. Бор гавдангиз билан юқорига кўтарилиб чуқур нафас олинг. Бу вақтда оёқларингизнинг учигача кўтарилишингиз керак. Шу ҳолатда 15дан 30 гача санаб турингда, кейин олдинга энгашиб панжаларингизнинг учини полгача тегизинг. Шу машқни 3-5 мартадан қайтаринг.

"ПИЁЛАДАН СУВ ИЧИНГ!"

Елкаларингизни текис тутиб тўғри туринг.Қўлларингизни мушт қилиб бурнингизга кўтаринг-да, бошингизни орқага ташлаб, 5 мартадан ўнгга ва чапга айлантиринг.

"ҚОЯГА ЧИҚИШ!"

Девордан сал нари туриб, панжаларингиз ва елкангиз билан унга суянинг. Бир оёғингиз олдинга қўйиб сал эгилинг. Қўлларингизни деворга тираб 20 гача санайсиз. Сўнг ўзингизни бўш қўясиз-да, иккинчи оёғингизни сал букиб, шу машқни қайтарасиз. Бу машқни 10 мартадан такрорланади.

Саҳифани Вазира САЙДОХУНОВА тайёрлади.

ГУЛЛАР СОҒЛИҚҚА ОШИФТАДИР

Одамзод ҳамиша гулларга талпиниб келган. Чунки уларда сеҳрловчи, руҳлантирувчи, бевосита саломатликка ижобий таъсир кўрсатувчи қудрат мавжуд. Руҳшуносларнинг фикрича, гуллар барқ уриб ўсиб турган ҳовлида яшаётганлар, гуллар экилмаган хонадонлардагига нисбатан камроқ касалликка чалинар экан. Сабаби гулларнинг ифори ва нафосати бир қатор касалликлардан асрайди. Шу боисдан баҳор келиши билан ранг-баранг гулларни экишга эътибор бермоқ зарур.

Синалган ҳақиқатлар

АТИРГУЛЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Атиргулни гулларнинг подшоси, деб бежиз айтмайдилар. Руҳшуносларнинг тавсиясига кўра, ҳар бир ҳовлида энг камида 40 туп атиргул бўлиши лозим. Ана шунда хонадонга юрак ўйноғи, хафақонлик, сиқилиш хасталиклари яқинлашмайди.

Францияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, атиргуллар орасидан ўтган одамнинг юрак уришида дарҳол мўътадиллашув рўй бераркан. Ҳатто атиргул ифори юздаги ажинларни камайтираркан. Агар гулзор орасида ўтириб ҳордиқ олинса ёки овқатланилса, мияда руҳий янгиланиш рўй бериб, инсон қалби мулойимликка мойиллашаркан. Атиргул ифори қоннинг ҳаётбахшлик хусусиятини ошириб, вужудга куч-қувват, фикрий теранлик инъом этаркан.

Албатта гулларнинг навида гап кўп. Ҳозирда атиргулнинг уч хил қизил, пушти, оқ ранглари оммалашган. Ҳовлида уларнинг ҳар уч хил навидан бўлгани маъқул. Болаларга ва балоғат ёшдагиларга қизил атиргулнинг ифори самаралироқ таъсир этиши аниқланган. Айниқса инжиқ болаларга атиргул ёнида кўпроқ бўлиш тавсия қилинади. Шу боисдан қизил атиргулни болалар ўйнайдиган жойга экилгани мақсадга мувофиқдир. Қизил атиргул ифори қалбда жўшқинлик уйғотиб, касаллиқ қўзғатувчи қусурларни парчалаш хусусиятига эга.

Пушти атиргуллар ўрта ёшдагиларнинг феъл-атворига мос тушиши аниқланган. Бундай навни йўлаклар бўйича экиш маъқулроқдир. Чунки ўрта ёшдагилар кўпроқ ҳаракатда бўладилар. Ҳаракат пайтида одам чуқурроқ нафас олади. Табобатчиларнинг фикрича, сариқ ва пушти рангли атиргуллар ифорида чарчоқни ёзиш, яъни асаб тизими фаолиятига ижобий таъсир этувчи хусусият бор. Пушти атиргул ифори диққинафасликни ёзади, ҳаёт чигалликларидан мўртлашган асабни тинчлантириб, одамда ишончни мустаҳамлайди ва янги орзу умидлар уйғотади. Уларнинг гулбаргини турли салатларга аралаштириш тавсия қилинади. Бундай гулбарг одам танасини ғуборлардан тозалайди, ичакларни юмшатиб, қон айланишини яхшилайди.

Оқ атиргуллар меҳр-муҳаббат рамзи саналади. Катта ёшдагилар бу гулнинг ифоридан беҳад ҳузур оладилар. Унда чалкаш фикрларни ҳайдаш, тинч уйқуни кафолатлаш хусусияти кучлироқдир. Унинг гулбаргидан чойга аралаштириш юрак фаолиятига жуда яхши таъсир кўрсатади. Бундай чойни кечки овқатдан сўнг ичилса, тана юмшаб, ҳақиқий дам олиш ҳолатида бўлади. Ёмон фикрлар миядан узоқлашади. Шу боисдан оқ атиргулни айвонга яқинроқ жойга экилгани маъқул.

АСАЛГУЛ ЁҚИМТОЙЛИК РАМЗИДИР

Табобатчиларнинг фикрича, асалгул экилган хонадонда дори-дармонларга эҳтиёж бўлмайди. Аждодларимиз бу

гулга, тинчлик-хотиржамлик рамзи сифатида қарашган. Бу гул ҳақида шундай ривоят ҳам бор.

Қадимда подшоҳнинг ёлғиз қизи оғир хасталикка чалинибди. Сарой табиблари уни даволашга ожизлик қилишибди. Маликани кўрсатмаган табиб қолмабди. Подшо қизининг энагасини чақиртириб, ундан маслаҳат сўрабди. Энага мамлакатда яна битта табиб қолганлигини айтибди. Табиб кексайиб, ўрнидан жила олмайдиган бўлиб қолган экан. У маликанинг дардидан хабар топгач, энагасининг қўлига обиравон тугунча тутқазиб, шундай дебди:

- Мана шу тугунчани олиб бориб, маликанинг боши остига ёстиқ қилиб қўйинг. Унинг хонасига эрталабгача ҳеч ким кирмасин. Эрталаб, маликанинг ҳолатини менга хабар килинг.

Энага худди ана шундай қилибди. Эрталаб кириб қараса, маликанинг юзига қон югуриб, кўзларидаги маъюслик йўқолиб қолганмиш. Энага дарҳол табибнинг ёнига етиб келиб, хушхабарни айтибди. Табибнинг ўзи ҳам ана шуни кутган экан. У энагага энди каттагина сопол кўзада суюқ дори берибди. Малика ўша дорини охиригача ичиб бўлган куни оёққа туриб, юриб кетибди. Табиб берган обиравон тугундаги гиёҳ асалгул экан. Кўзадаги суюқ дори ҳам асалгулнинг дамламаси экан...

Бу ривоят ҳақиқатга анча яқиндир. Чунки асалгул ҳиди миядаги зўриқишни пасайтириб, қон томирларидаги тиқинларни очиб юбориш, юрак уришини мўътадиллаштириш ва нафас олишни равонлантириш хусусиятига эга. Чунки унинг таркибида вужудни тетиклаштирувчи, қўрқинчли хаёлларни узоқлаштирувчи моддалар серобдир. Ана шунинг учун ҳам олдинлари асалгул талқонидан тумор тақиш кенг урф бўлган.

Асалгулни деразалар яқинига экиш маъқулроқдир. Бу гулни баланд бўйли гулларга аралаштириб экиб бўлмайди. Ҳаёт чигалликларидан асабингиз қақшаган пайтда, асалгулнинг ёнига тўшак солиб, ёнбошлаб ётсангиз, қалбингизни ларзага солган беъмани хаёллар осонроқ тарқайди. Аста-секин ўзингиздаги нуқсонларни ҳам тушуниб ета бошлайсиз. Вужудингиз ором олиб, мулойимлаша борасиз.

Айниқса, чақалоқларни асалгулнинг ҳидига тўйинтириш яхшироқ. Бу гул болаларни серҳаркашаликдан сақлайди ва мириқиб ухлатади. Уни шундай жойга экингки, ҳиди дераза оша хоналарга таралиб турсин. Тунда бу гулнинг хушбўйлик даражаси янада баланд бўлади.

НАСТАРИН РУҲИЙ ҚУВВАТ БЕРУР

Настарин бутун дунё бўйича кенг тарқалган гулдир. Турли халқлар унга турлича таъриф берадилар. Хитойда унга яхши ниятлар уйғотувчи гул сифатида қарайдилар. Ҳиндистонда ошиқлар чехрасини бир-бирига гўзал кўрсатувчи илоҳий гул саналади. Европа мамлакатларида эса руҳий қувват, илҳом берувчи қудрат ман-

баи ҳисобланади. Мусулмон мамлкатларида настарин, жаҳл пўртанасини босувчи, беғуборлик тимсоли саналади.

Руҳшунослар бу гулни кўпроқ дарвозанинг икки томонига экилгани маъқул, деб ҳисоблайдилар. Чунки одам уйдан кўчага чиққанда ҳам, кўчадан ҳовлига кирганда ҳам унинг ҳидидан баҳраманд бўлиши керак. Сабаби настарин ҳиди одамни жаҳл отидан дарҳол туширади. Унинг ҳидида сезгирликни оширувчи, тафаккурни янгиловчи қудрат мавжуд.

Димоғига настарин ҳиди урилган киши ўзини босиб олишга, бошқаларни яхшироқ тушунишга мойиллашади. Бу эса жуда муҳимдир. Баҳор ойларида одамларда жўшқинлик кучайиб, қайсарлик, ўзбилармонлик ҳолати бирмунча баланд бўлади. Настарин ҳиди миядаги шубҳа-гумонларни ҳайдаб, фикрни тиниқлаштириш, сезгирлик ва хушёрликни ошириш қудратига эга. Яъни, бошқаларни яхшироқ тушуна бошлайди. Шу боисдан настарин экилган хонадонларда уришжанжалларнинг камроқ бўлиши кузатилган.

Оилада майдағаплик, инжиқлик ҳолатлари ортиб бораётган бўлса, албатта ҳовлига настарин гулидан экинг. Мусулмон мамлакатларида қадимдан бу гулни сўрининг тўрт томонига экиш урф бўлган. Бу гул одамни ширин суҳбатга, мулоҳазакорликка мойиллаштирган.

Хитой табобатида айтилишича, настарин гулининг дамламаси асал билан ичилса, миядаги зўриқишни пасайтиради, бадандаги касаллик қўзғовчи ҳилтларни ҳайдайди ва танадаги майда тошмаларни йўқотади.

Настарин шохини синдириб олгандан сўнг, унинг гулини асло ташлаб юборманг. У гулдонда туриб сўлий бошлагач, қуритиб қоғоз халтачага солинг-да, уйнинг меҳробига жойлаб қўйинг. Унинг ҳиди уйда осойишталикни сақлашга кўмаклашади.

РАЙҲОН

Райҳон ҳиди бош оғриғини пасайтира бошлайди. Димоғни очади ва асабийлик ҳолатини пасайтиради. Кўнгил хиралигини ёзиб, ақлий теранлик бахш этади.

Унинг овқатларга ва салатларга аралаштирилгани қонни тозалайди, терини таранглаштириб, сочнинг илдизини мустаҳкамлайди. Феълни кенг қилиб, ишчанликни оширади. Райҳонни чанг-ғуборлардан узоқроқ жойга экилгани маъқул. Райҳончой эса кўнгил ғашлигини ёзишда беқиёсдир.

ГУЛИСАПСАР

Гулисапсар ҳиди хотирани мустаҳкамлайди ва оғир-босиқликка мойиллаштиради. Одамда мулоҳазакорликни ошириб, ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Бу гулнинг япроқчаларини чойга қўшиб дамланганда, асабни тинчлантиради. Мускулларнинг эгилувчанлигини оширади. Мияда яхши хотиралар пайдо қилади. Газабкорликни босади. Бу гулни ариқларнинг бўйига, паст бўйли гулларни тўсиб қолмайдиган ҳолатда экиш тавсия қилинади.

РОМАШКА (МОЙЧЕЧАК)

Бу гулни халқ иборасида чопонталаш ҳам дейилади. Унинг ҳиди унчалик ўткир бўлмаса-да, асабни тинчлантириб, бардошли бўлишга мойиллаштиради. Майда дилхираликлар чалғита олмайди.

Дамламаси эса шамоллашдан қолган асоратларни йўқотади. Баданни терлатиб, хилтлардан тозалайди. Бу гулнинг қуритилган талқонидан ҳар қачон чой дамлаб ичилса бўлаверади. Айниқса, ўпка ва буйракни тозалашда беқиёсдир. Уни ариқларнинг бўйига ёки йўлакларнинг четига экиш маъқулроқдир.

БИНАФША

Бу гулнинг ҳиди одамни мулойим, зеҳнли қилур. Ақлни ишлатиб, иккиланмай муаммоларни бартараф этишга ундайди. Мушоҳадани ўткирлаштиради.

Бинафша гулининг талқони инсу жинсларни асрайди. Унинг дамламаси билан чақалоқлар чўмилтирилса зеҳни ўткир бўлади. Бу гулни албатта айвонга яқинроқ экилгани фойдалидир.

ГУЛТОЖИХЎРОЗ

Гултожихўрознинг ҳиди қарийб сезилмайди. Лекин бутунлай ҳидсиз эмас. Бу гулга яқинроқ борилса, нафис ҳидни сезиш мумкин.

Унинг ҳиди гарчи кучсиз бўлса-да, одамнинг ғайратини жўштириш хусусиятига эга.

Бирор иш олдида иккиланиб турган одам, гултожихўрозга яқинроқ келиб, бир фурсат унга завқланиб боқса, узил-кесил қарор қабул қилишга мойил бўлади. Тўсиқлар уни чўчита олмайди. Янги имкониятлар қидира бошлайди. Шу боисдан бу гулни Ҳиндистонда "ботирлар гули" ҳам дейишади.

К.НИШОНОВ тайёрлади.

"КЎНГЛИМГА ЎҒРИ ТУШГАН"

Шахсий ҳаёт

— Баъзан фарзандини урган ота ёки «Оғзингдан қонинг келгур» деб қарғаган она ҳақида эшитсам, анграяман...

— Ғийбат ва ҳасадга «бегонаман».

— Ҳаммаёғинг гулга ўралса...

Нилуфар РАҲМАТОВА Ўзбекистоннинг кўзга кўринган, эл севган санъаткорларидан, "Ниҳол" мукофоти совриндори.

- Нилуфархон, авалламбор байрамингиз муборак! Қолаверса, қизчалик бўлибсиз - ўзингизга ўхшаган БАРНО ва элга азиз бўлсин!

- Қуллуқ! Газетангиз "Оила ва жамият" бўлгани учун ҳам (бу газета бизнинг жону-дилимиз!) Онажонимдан гапни бошламоқчиман! Барча онахонлар қатори меҳрибонимни хотин-қизлар куни ва 5 март туғилган кунлари билан қутлайман. Илоҳим, уларнинг кўзи нам, қалби ғам нелигини билмасин. Фарзандларининг ҳурмат-эъзозида юришсин, роҳатини кўришсин.

Онагинам Тамара ая тикувчи бўлганлар, ҳозир нафақада. Жуда нафис дидли, содда аёл. Дадам Эргаш ота (раҳматли) билан бизни - 4 қиз 2 ўғилни тарбиялаб элга қўшдилар. Ҳеч қачон уларнинг баланд овозда койиганларини эшитмаганмиз. Аммо бирор қилиғимиз ёқмаса, "қаттиқ қарашлари"дан билиб олардик ва тезда ўзимизни "йиғиштирардик". Баъзан фарзандини урган ота ёки "оғзингдан қонинг келгур" деб қарғаган она ҳақида эшитсам - "осмондан тушган одамдай" анграяман. Бу ҳам онажоним бизни ҳаётнинг "қора" томонларига "бегона" қилиб ўстирганларидан, деб худога шукр қиламан. Аслида санъатга иштиёқ она-отам, акамдан ўтган. Улар ҳам қўшиқ айтишни яхши кўрардилар. Онажоним эса шеърлар ёзганлар. Дадам: "Сенинг санъаткор бўлиб, саҳнада ашула айтганингни кўрсам", - дердилар. Орзуларини рўёбга чиқарган бўлсам-да, афсус яккахон концертимни кўролмадилар.



- Онангизнинг ўгитлари ҳаётингизда шиор бўлганми?

- Онажоним тез-тез "Камтар ва қаноатли бўл. Халқ кўкка кўтаради ҳам, ерга туширади ҳам", - дея таъкидлаб турадилар. Бу даъват юрагимга жо бўлган. Дадамдан эса ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаётга умид билан қараш, ёниб ишлаш, қувноқлик сингари хислатлар ўтган.

- Ҳаёт чархпалак, дейишади...

- Тўғри айтасиз. Дадам оламдан ўтдилар... Қизим Сафина дунёга келди... Ҳар сафар Бўстонликка (туғилган юртим)га борганимда узоқ-яқин қадрдонлардан бировини бир умрга йўқотган бўлсам, бошқа янги меҳмоннинг биринчи қадами билан қутлаб келаман.

- Қандай хислатларга "дугона"сиз?

- Тўғрисўзлик ва тўғридилликка...

- Қандай иллатларга "бегона"сиз?

- Ғийбат ва ҳасадга...

- Эл эътиборидаги инсонлар ҳақида турли "ривоятлар юради", уларга муносабатингиз?

- Очиғи, ҳеч ким онасидан "ёмон" бўлиб туғилмайди. Бировнинг устидан мазава ағдарадиганларнинг қалби ботқоққа айланиб бўлган ва ундан фақат нохуш ҳид - гап чиқади.

Ўзим ҳақимда бирор гап эшитсам, "ит ҳурар, карвон ўтар", дея ижоддан, оиладан чалғимасликка ҳаракат қиламан. Ҳаммага ҳам Яратганнинг "ажрими" бор...

- Дўстларингиз кўпми?

- Дўст?.. (ўйлаб қолади) Дўстларим - онагинам (энг садоқатлиси), турмуш ўртоғим - Султонали Раҳматов. Турли касб эгаларидан ўртоқларим етарли. Ижодкорлар - Юлдуз Усмонова, Мавлуда Асалхўжаева, Ойпопук Эшонхонова, Моҳира Асадова, Азиза Ниёзметова... айтаверайми?

- Тушунарли. "100 сўм пулинг бўлмасин, 100 та дўстинг бўлсин", деган ҳикматга ошна экансиз... Демак, ижод, дўстлар, оила - ҳаммасига кўнглингиздагидек вақт ажрата оласиз?

- Ҳа. Бўш қолдим дегунча болаларимга (улар 5 нафар) яхши кўрганим - мантини эринмай тайёрлаб бераман. Аммо ўзим ҳафтасига бир марта хамирли овқат ейман. (Қоматни ҳам эсдан чиқармаслигим керак-да, ахир!)

- Аммо илгаригидан сал тўлишгансиз.

- Тўғри, фарзандлик бўлгач, уни ўйлаб бироз... (қоматини кўзгуга солиб, жилмаяди). Аммо ҳар тонг бутун "дом"ни айланиб югураман. Ҳатто қўшнилар ҳам билиб қолишган.

- Фарзандларингиз ҳали ёш экан. Уларнинг ташвишлари ҳам ўзига хос "аэробика" бўлса керак?

- Бусиз ҳаёт бўлармиди?! Синглим Муниса ва жияним Шоҳидахон сингари меҳрибон ёрдамчиларим бор, кўнглим тўқ. Концерт, йиғин, тўйлардан кеч қайтишимиз кўп...

- "Хўжайинингиз"нинг оилага муносабатлари қандай?

- Жуда болажон. Мендан олдин уйга кириб, болаларни бир-бир кўздан кечириб чиқадилар.

- Сизни-чи, яхши тушунадиларми?

- Гап йўқ. Доим бирга юрганимиздан кейин... У кишига суяниб қолганман.

- Турмуш қурганларингизга кўп бўлдими?

- 6 йил. Султонали акам билан танишганимда 22 ёшда эдим. Кўнглимга "ўғри" тушган. Беш фарзандга онаман. Ширин, Алижон, Шомурод, Нозанин, Сафина.... Худога шукр кўпинча "гапимиз бир жойдан чиқади".

Ҳатто саҳнага чиқадиган либосларим ҳақидаги фикри билан ҳам ҳисоблашаман.

- Либосларингизни ким танлайди?

- "Офарин" мукофоти соҳиби, иқтидорли модельер Дилмурод Миркомилов билан бамаслаҳат ишлаймиз.

- Рукнимизнинг анъанаси бўйича Нилуфар Раҳматованинг "пардозхонаси"га мўраласак...

- Пардоз услубим билан бировни "ҳайрат"га сололмайман. Чунки қимматбаҳо упа-элик билан савдо қиладиган фирмаларга аъзо эмасман. Оллоҳ берган ҳуснни асрашга ҳаракат қиламан. Ахир Тангри гўзалликни яхши кўраркан. Уни асраш эса бандасининг фаросатига боғлиқ, менимча.

- Шу услубингиз ҳақида гапиринг.

- Қора марварид ("Чёрный жемчуг") фирмасидан чиққан ҳар хил кремларни дўконлардан сотиб олиб, юз-қўлимга суриб юраман... Кечқурунлари эса хом картошкани қирғичдан ўтказиб, кўзимнинг устига қўяман (20 дақиқа), кўз дам олади, жилоланади. Юзимга эса иш қилаётиб, йўл-йўлакай қатиқ, сметана, қулупнайми, уйда нима бўлса суртиб кетавераман. Ўсманинг аҳволи ҳам шу (кулади).

- Доим "ўзидан ортмайдиган" келин қайнонага ёқаяптими?

- Энди... касбимиз (ўрни келганда тирикчилигимиз) шу бўлгандан кейин... Шифокорлар ҳам тунлари навбатчиликда қолиб, инсоннинг дардига малҳам бўлишади. Биз ҳам одамларнинг қалбига шодлик, завқ солиб умрларини (таъбир жоиз бўлса) узайиши йўлида хизмат қиламиз. Оила "бюджети" йўлида тер тўкадиган келиннинг айби нима? Қайнонам Олия ая билан она-бола бўлиб кетганмиз. Соғлигимга эса жуда эътибор бераман. Касал бўлмасдан аввал шифокорлар кўригидан вақти-вақти билан ўтиб қўяман. Ахир болаларимга, оиламга, мухлисларимга мен соғ-саломат бўлсамгина хизмат қилаоламан-да. Буни унутишга ҳаққим йўқ.



- Қайси газеталарни ўқийсиз?

- "Оила ва жамият", "Даракчи", "Бекажон" ва шеърий тўпламларни (кимники бўлишидан қатъий назар).

- Пулни яхши кўрасизми?

- Вазиятга қараб. Зарур бўлганда ундан яхшиси йўқ. Бемалол пайтда "пул - қўлнинг кири" деган ақидага амал қиламан.

- Байрамда қандай совға олишни истардингиз?

- Гул! Гул! Гул! Ҳаммаёғинг гулга ўралса ҳинд киноларидагидек... Ва кутилмаган мўъжизалар юз берса!

- Мухлисларимизга тилагингиз?

- "Оила ва жамият" барчанинг уйига нурдай кириб бориб, кўнгилларини кундай ёритсин: Умрлари муродбахш мўъжизаларга гувоҳ бўлиб ўтсин!

- Сизнинг-да шахсий ҳаётингиз беназир бўлишини тилаймиз.

Санобар ФАХРИДДИНОВА суҳбатлашди.

НИЛУФАРДАН ҲАНГОМА

Бир куни тўйда бир санъаткор йигитга навбат беришди-ю, менинг "Турналар" номли қўшиғимнинг куйини қўйиб юборишса бўладими! Йигитнинг қўлида микрофон, нима қилишга ҳайрон... Сўнг тантанали равишда: "Навбат Нилуфар Раҳматовага!" - дея ўрнини менга бўшатиб, вазиятдан "қутулган".

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 236. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16600
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 3 4 5 6